


HISTORY OF UZBEKISTAN

O'ZBEKISTON TARIXI

1/2007





1
2007

Jurnalga 1998 yil
iyulda asos solindi
Bir yilda to'rt
marta chiqadi

Toshkent
O'zbekiston
Respublikasi Fanlar
akademiyasi
«Fan» nashriyoti

O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi

O'ZBEKISTON TARIXI

Илмий журнал

Мундарижа

- Ў. Мавлонов. Ўрта Осиёда илк алоқа йўллари шаклланишининг табиий-иқтисодий асослари 3
- И. Алимов. XIX асрда Қўқон хонлигининг Андижон беклигидаги мактаб ва мадрасалар .. 13

Тарихиунослик

- Д. Алимова, Р. Шамсутдинов. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш тарихи ва тарихиунослиги муаммосини ўрганишга доир .. 24
- Р. Альмеев. Музей ишининг чет эл тарихиунослиги обзори 35

Этнология масалалари

- З. Орифхонова, Г. Зунунова. Ўзбекларнинг оилавий маросимларида жинсий ёши жиҳатидан гуруҳларнинг стратификацияси 45
- Б. Ҳамроқулова. Этнологияда болалар социализацияси масаласи 57

Ёш тадқиқотчи минбари

- Н. Аллаева. Хива хонлигининг Эрон билан савдо алоқалари тарихидан (XVI-XVIII асрлар) .. 67
- Р. Турсунов. XX аср бошидаги миллий матбуотда Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт масалалари 74
- Ж. Ганиев. Мустақиллик йилларида ислом кадриятларини тикланиши хусусидаги адабиётларнинг таҳлили 86

Таъзиянома

- Фарход Ҳабибович Қосимов 95
- Розия Галиевна Муқминова 97

Содержание

- У. Мавланов. Природно-экономические основы становления ранних путей сообщения в Средней Азии 3
И. Алимов. Мактабы и медресе Андижанского бекства Кокандского ханства в XIX веке.. 13

Историография

- Д. Алимова, Р. Шамсутдинов. К изучению проблемы историографии и истории коллективизации сельского хозяйства 24
Р. Альмеев. Обзор зарубежной историографии музейного дела 35

Вопросы этнологии

- З. Арифханова, Г. Зунупова. Стратификация половозрастных групп в семейной общности узбеков 45
Б. Хамракулова. Вопросы социализации детей в этнологии 57

Трибуна молодого исследователя

- Н. Аллаева. Из истории хивинско-иранских торговых отношений (XVI-XVIII вв.) 67
Р. Турсунов. Проблемы социально-экономической жизни Туркестана в национальной периодической печати в начале XX столетия ... 74
Ж. Ганиев. Обзор литературы о возрождении исламских ценностей в Узбекистане в период независимости 86

Некролог

- Фарход Хабибович Касымов 95
Розия Галиевна Мулминова 97

Тахрир хайъати:

Дилором Алимова
(бош мухаррир)
Мируэрт Абусентова
(Қозғоғистон)
Омонулла Бўриев
Алишер Дониборов
Доно Зиёева
Ўткир Исломов
Мирсодиқ Исмоқов
Элёр Қаримов
Зоя Орифхонова
Эдвард Ргвеладзе
Ильза Сиргаутас (АҚШ)
Рўстам Сулаймонов
Мargarита Филинович
(бош мухаррир ўринбосари)
Темур Шириннов
Нозим Ҳабибуллаев
Шоира Асадова (маъсул қотиб)
М. Саидова,
А. Михерёва
(мухаррирлар)
Л. Тюрина (техмухаррир)
Т. Гез (муқова дизайнери)

Маъзилмиз:

100170, Тошкент,
И. Мўминов кўчаси: 9-уй.
Телефонлар: 133-47-12; 162-38-73.

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Давлат матбуот қўмитаси томонидан
руйхатга олинган.
Гувоҳнома № 0051

Тертишга берилди 8.02.2007.
Босишга рухсат этилди 11.04.2007.
Қоғоз бичими 70×100^{1/16},
Таймс гарнитур.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Шартли босма 8,06 т.
Ҳисоб-нашриети 6,3 т.
408 нуسخа. 64-булортма.

Ў. Мавлонов

ЎРТА ОСИЁДА ИЛК АЛОҚА ЙЎЛЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАБИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Сўнги йилларда Ўрта Осиёда ва қўшни ҳудудларда олиб борилган тарихий-археологик тадқиқотлар бу минтақа Қадимги Шарқ цивилизациясининг шаклланиши ва ривожланишида ўзига хос ўрин тутганлигини кўрсатувчи қўплаб ашёвий далилларни юзага чиқарди. Уларга асосланиб, биз «Ўрта Осиё цивилизацияси», «Ўзбекистон цивилизацияси» каби муҳим тарихий тушунчалардан илмий тадқиқотларда кенг фойдалана бошладик. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудининг улкан Евроосиё минтақаси марказида, муҳим транзит йўллари кесишган чорраҳада жойлашганлиги тарихан белгиланган бўлиб¹, бу ватанимизни кишилиқ тарихининг илк босқичларидаёқ Шарқ ва Ғарб дунёси ўзаро мулоқотга киришадиган жой сифатидаги аҳамиятини белгилаб берди. Шу туфайли ҳам тарих фанининг ҳозирги тараққиёт босқичида ватанимиз тарихини жаҳон цивилизациясининг муҳим таркибий қисми сифатида ўрганиш долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилмоқда². Қадим асосларга эга бўлган Турон цивилизациясининг Қадимги Шарқ цивилизацияси тараққиётида тутган аҳамиятини ўрганиш, Қадимги Шарқнинг турли ҳудудлари ва мамлакатлари ривожига ўзаро алоқаларнинг кўрсатган таъсирини аниқлаштириш тарихий тадқиқотларда муҳим ўрин тутиб бормоқда. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда Ўрта Осиёда ва қўшни ҳудудларда илк алоқа йўлларининг шаклланиши ва ривожланиши масалаларини аниқлаштириш ҳам зарурдир.

Маълумки, алоқа йўллари нафақат инсоният турмушида, шу билан бирга барча тирик жонзотлар ҳаётида катта ўрин тутди. Хусусан, ҳайвонлар ва қушларнинг мавсум ўзгаришига қараб бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга кўчиши нисбатан доимий миграция йўналишларининг пайдо бўлишига олиб келиши фанда исботланган³. Ибтидоий

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 61-бет.

² Алимова Д. А. Ўзбекистонда тарих фанининг вазифалари ва муаммолари // «Ўзбекистоннинг янги тарихи: концептуал-методологик муаммолар» мавзусидаги республика илмий-назарий анжумани материаллари. Тошкент: Академия, 1998, 13-бет.

³ Бу масала мақоламиз мавзусига бевосита алоқадор бўлмаганлиги боис, унга кенг тўхталиб ўтиш ўринсиздир.

овчиларнинг ов қилинадиган ҳайвонлар фойдаланадиган йўллари ўрганиши, улардан ов мақсадида фойдаланиши ҳам илк алоқа йўллари шаклланишида ўзига хос ўрин тутган. Қадимги маконларни озиқ-овқат ва хом ашё манбалари мавжуд бўлган жойлар билан боғловчи илк алоқа йўллари шаклланиши антропогенез жараёнининг илк босқичларидаёқ бошланган бўлиб, бу жараён ибтидоий овчилик ва термачилик билан шуғулланган аждодларимизнинг турмуш тарзи ва хўжалиги, улар ўзлаштирган ҳудуднинг географик ўрни, табиий шароити, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, хом ашё манбалари ва бошқаларга чамбарчас боғлиқ ҳолда кечган.

Шу ўринда сўнгги йилларда Ўрта Осиё ҳудуди ҳам антропогенез жараёни кечган макон сифатида қаралаётганлигини⁴ айтиб ўтиш лозим. Антропогенез жараёни якунланиб, замонавий одамлар шаклланиган сўнгги палеолит даврида ер шарининг шимолий қисмини қалин музликлар қоплаган эди. Мутахассислар бу даврда Ўрта Осиёнинг фақат баланд тоғларидагина доимий музликлар мавжуд бўлиб, паст тоғларида ва текисликларида доимий музликлар эмас, фақат совуқ ва нам иқлим ҳукмронлик қилганлигини қайд этиб ўтишган⁵.

Ўрта Осиёнинг илк алоқа йўллари таҳлил қилишни сўнгги палеолит даври – замонавий одамлар вужудга келиб, уруғ жамоаси шаклланиган даврдан бошлаш мақсадга мувофиқдир⁶. Минтақадаги сўнгги палеолит даврига мансуб қадимги манзилгоҳларнинг географик ўрнини таҳлил қилсак, ибтидоий аждодларимиз эгаллаган ҳудудларнинг ва илк алоқа йўллари тармоқларининг кенгайиб боришидаги ўзига хос хусусиятларни кўришимиз мумкин. Фарғона водийсида, Тошкент, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон ҳудудларидан ҳамда минтақанинг бошқа жойларидан топилган сўнгги палеолит даври ёдгорликлари ибтидоий одамлар бу даврда тоғлар,

⁴ Крахмаль К. К истории возникновения гипотезы о Центральноазиатском центре происхождения человека // Ўзбекистон тарихи. 2003. № 2. 3-11-бетлар; Исломов У. Н., Крахмаль К. К., Эргашев Ш. Э. Узбекистан входит в зону формирования древнего человека // Археология и история Центральной Азии. Самарканд, 2004. С. 72-74.

⁵ Касымов М. Р. Кремнеобрабатывающие мастерские и шахты каменного века Средней Азии. Ташкент: Фан, 1972. С. 10-11.

⁶ Бир неча миллион йиллар давом этган антропогенез жараёни якунига етиб, бундан 40-35 минг йиллар илгари замонавий одамлар ва уларнинг илк уюшмалари – уруғ жамоасининг пайдо бўлиши сўнгги палеолит даврини бошлаб берди. Бу ҳақда қаранг: Сагдуллаев А. С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Тошкент: Университет, 2004, 14-бет.

тоғолди адирликлари, дарё водийларини ҳамда воҳалар ва даштлар чегараларини ҳам ўзлаштира бошлаганлигини кўрсатмоқда⁷.

Ўрта Осиё ҳудудидаги тош даврига мансуб маконларнинг жойлашиши ва бу маконлардан топилган меҳнат қуроолларини ўрганиш орқали палеолит давридаёқ минтақадаги турли маконлар ўртасида ибтидоий алоқалар шаклланишини, бу хўжалик муносабатлари ўз навбатида илк алоқа йўллари шаклланишига асос солганлигини кўрсатмоқда⁸.

Ўрта Осиёдаги тош даври маконларининг жойлашувидан келиб чиқсак, ибтидоий аждодларимиз озиқ-овқат ва сув манбаларига яқин жойларни эгаллашга катта эътибор қаратганликларини, бу уларнинг турмуш тарзи ва хўжалиги эҳтиёжлари билан боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Ибтидоий маконларни ов қилинадиган хайвонлар, истеъмолга яроқли термачилик маҳсулотлари ва сув захиралари мавжуд бўлган бундай жойлар билан боғловчи йўллар тор маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб, улар илк алоқа йўллари тизимида даврий жихатдан энг қадимийси ҳисобланади. Ибтидоий кишиларнинг ов ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари мавжуд жойларни ўзлаштириши кенгайиб бориши табиий равишда мавжуд алоқа йўллари тармоқларининг кенгайишига олиб келарди. Шу тариқа овчиликнинг ривожланиши ҳам илк алоқа йўллари ривожига катта таъсир кўрсатган омиллардан бири эди.

Илк алоқа йўллари тизимида ибтидоий маконларни меҳнат қурооллари ясаладиган турли тошлар ва бошқа хом ашё захиралари (масалан, ёғоч маҳсулотлари) мавжуд жойлар билан боғловчи йўллар катта ўрин тутган. Хусусан, мустаҳкам, лекин осон ишлов бериладиган, турли шакл ва ҳажмдаги меҳнат қурооллари яшаш учун қулай тош турларига бўлган эҳтиёж, бир томондан, ибтидоий кончиликка ҳамда тошлар ва бошқа минералларнинг физикавий ва кимёвий хусусиятларини аста-секин ўзлаштириб борилишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан, ибтидоий кишиларнинг янги ҳудудларни эгаллаб бориш жараёнини ва илк алоқа йўллари тармоқларининг кенгайишини келтириб чиқарди. Оҳактош, октош, қайроқтош ва бошқа тошлардан меҳнат қурооллари тайёрлаш анча мураккаб ва кўп меҳнат талаб этувчи жараён бўлганлиги сабабли ибтидоий аждодларимиз осон ишлов бериладиган, турли шакл ва ҳажмдаги меҳнат қурооллари яшаш учун қулай бўлган тош турлари, хусусан чакмоқтошни, тарихнинг энг қадим давридаёқ ноёб хом ашё сифатида ўзлаштира бошладилар. Чакмоқтош тарқалган жойларнинг Ўрта

⁷ Сагдуллаев А. С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. ... 14-15-бетлар.

⁸ Афсуски, замонавий ўзбек тарихшунослигида бу масала етарлича ўрганилмаган, фақатгина сўнги йилларда бу йўналишда тадқиқотлар олиб бориш бошланди.

Осиёда унчалик кўп эмаслиги сабабли бу тош тури палеолит давридан бошлаб бутун тош даври давомида ноёб хом ашё сифатида катта стратегик аҳамиятга эга бўлиб келди. Ибтидоий аждодларимиз чакмоқтош конларини қидириб янги ҳудудларни ўзлаштира бориши ҳам илк алоқа йўлларининг янги тармоқларига асос солинишига туртки бўлган.

XX асрнинг биринчи ярмида олиб борилган тарихий-археологик ва геологик тадқиқотлар натижаларига асосланган мутахассислар Ўзбекистон ҳудудидаги чакмоқтош олинадиган асосий конлар Қизилқум жанубида, Нурота тоғларининг шимолий қисмидаги Чакмоқтепа мақонида ҳамда Қорақалпоғистондаги Олтин тоғда мавжудлиги ҳақида хулоса қилган эдилар⁹. XX асрнинг 50-60-йилларида Кармана яқинидаги Учтут ва Ижонд маконларидан ҳам йирик чакмоқтош конлари топилди¹⁰. Бугунги кунда Ўрта Осиёдаги йирик чакмоқтош конлари асосан Ўзбекистон ҳудудида топиб текширилган. Улар ичида энг йирик ва машҳурлари Фарғона водийсидаги Қопчиғай тош кони, Оҳангарон яқинидаги чакмоқтош кони, Қизилқумдаги Учтут ва Ижонд чакмоқтош конлари ҳисобланади. Бу ва бошқа кичик конлардан олинадиган маҳсулотлар хом ашё ва конлар яқинидаги устахоналарда тайёрланган тайёр маҳсулот кўринишида Ўрта Осиёдаги сўнгги палеолит даврига мансуб кўплаб маконларга олиб кетилган. Хусусан, Учтут ва Ижонд конларидан олинадиган хом ашё ва маҳсулотлар Қизилқум, Зарафшон воҳаси ҳамда Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларидаги ибтидоий маконларни, Қизилқумда, Амударё бўғози яқинидаги Султонвоиздоғ тош кони Хоразм воҳасидаги маконларни, Оҳангарон яқинидаги кон Тошкент воҳасини, Олой тоғ тизмасининг шимолий ёнбағрларидаги Дангарак дара сойи бўйида, Фарғонадан 40 км. ча жанубда жойлашган Қопчиғай тош кони Фарғона водийсидаги маконларни чакмоқтош хом ашёси ва ундан тайёрланадиган керакли маҳсулотлар билан таъминлашда катта ўрин тутган¹¹. Шу тариқа, қадимги тош давридаёқ Ўзбекистон ҳудуди ноёб хом ашё захираларига бой макон сифатида Ўрта Осиё миқёсида етакчи иқтисодий мавқега эга бўлиб, минтақанинг иқтисодий маркази сифатида кўзга ташлана бошлаган.

⁹ М а с с о н М. Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. Ташкент, 1953. С. 6-7.

¹⁰ Т е м и р о в Ф. Т., О д и н а е в а З. Д. Қадимги давр кончилиги ва металлургияси. Навоий, 2004, 8-9-бетлар. Учтут чакмоқтош конлари. ЎзМЭ. 10-жилд. Тошкент, 2005. 155-бет.

¹¹ К а с ы м о в М. Р. Кремнеобрабатывающие мастерские и шахты каменного века Средней Азии. С. 123., Қопчиғай устахонаси. ЎзМЭ. 10-жилд. Тошкент, 2005. 601-бет; Учтут чакмоқтош конлари. ЎзМЭ. 10-жилд. Тошкент, 2005. 155-бет.

Ўрта асрлар даврига мансуб ёзма манбаларда ҳам Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги чакмоқтош конлари ҳақида маълумотлар учраши, бу тош турининг аҳамияти кейинги даврларда ҳам сақланиб келганлигидан далолат беради. Хусусан, XII аср манбаларида Самарқанд яқинидаги Чўпонота тепалигидан қадимдан чакмоқтош олиниши ҳақида¹², XIX аср манбаларида Самарқанд жанубидаги Зарафшон тоғларида чакмоқтошнинг махсус тури мавжудлиги ҳақида маълумотлар мавжуд¹³. Ўрта Осиёдаги бу ва бошқа чакмоқтош конларининг кўпчилигидан қадимги тош даврдан то яқин даврларгача фойдаланиб келинган. Масалан, Чакмоқтепадан олинган юкори сифатли чакмоқтош маҳаллий аҳолини ва кўшни ҳудудларни, хусусан, Бухоро шаҳрини XIX асрда ҳам, яъни бу ерда гугурт пайдо бўлгунга қадар таъминлаб турганлиги маълум¹⁴.

Илк алоқа йўллари шаклланишида турли географик ҳудудлар ва ибтидоий маконлар ўртасидаги маҳсулот айирбошлашга бўлган эҳтиёж ҳам муҳим ўрин тутганлигини эътироф этиш лозим. Тарихий манбаларни таҳлил этиш турли ҳудудлар ўртасида ўзаро маҳсулот алмашуви сўнги палеолит давридаёқ йўлга қўйилганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини бермоқда. Бунга олиб келган сабабларни таҳлил қилиб икки асосий омилни қайд этиш мумкин. Биринчидан, турли минтақаларнинг табиий шароитидаги тафовутлар, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг хилма-хиллиги, озиқ-овқат ва хом ашё захираларининг нотекис жойлашганлиги ибтидоий жамоаларни ўзлари яшаб турган табиий муҳитнинг бой маҳсулотлари – қимматбаҳо ва нодир тошлар, минераллар ва турли минерал бўёқлар, ноёб ёғоч турлари, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол маҳсулотларини ўзаро алмаштиришлари ҳаётини заруриятга айланттирдилар¹⁵. Иккинчидан, ибтидоий жамият тараққиётининг ривожланиб бориши сўнги палеолит давридаёқ овчи ва термачи хўжаликларда ортиқча маҳсулотлар пайдо бўлишига олиб келди. Бу маҳсулотлар ибтидоий меҳнат тақсими ва ўзаро алмашув имкониятларини янада кенгайттирди. Турли хом ашё ва ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол маҳсулотларини ўзаро айирбошлаш ўз навбатида турли ҳудудлар, биринчи галда яқин кўшни жамоаларнинг ўзаро хўжалик муносабатлари мустаҳкамланиб боришига ва илк алоқа йўллари тармоқлари кенгайишига олиб келди.

¹² М а с с о н М. Е. К истории горного дела... С. 6-7.

¹³ А б у Т о х и р х ў ж а . Самария. Тошкент: Мерос. 1991. 20-бет.

¹⁴ М а с с о н М. Е. К истории горного дела... С. 6.

¹⁵ А л е к с е е в А., П е р ш и ц Л. История первобытного общества. М.: Высшая школа, 1990. С. 185.

Ер шарининг турли хуудларидан топилган топилмалар сўнгги палеолит даврида турли жамоалар орасида ўзаро маҳсулот айирбошлаш, биринчи галда хом ашёларни алмаштириш мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Масалан, Сибирдаги маконлардан Кавказ тоғларида тарқалган Обсидиан (тош тури), рус даштларидаги кўрғонлардан Болтиқ бўйидан келтирилган янтарь, Европа ва Осиёнинг денгиз ҳамда океанлардан узоқда жойлашган минтақаларида денгиз чиғанокларининг топилиши¹⁶ ва бошқа кўплаб мисоллар¹⁷ бу даврдаги маҳсулот алмашув жараёнлари ва йўналишлари ҳақида фикр юритишга имкон беради. Мутахассислар фикрича, сўнгги палеолит даврида алмашинаётган маҳсулотлар қийматини белгиловчи эквивалентлар бўлмаган¹⁸. Лекин фикримизча, турли қабилалар ва хуудлар ўртасида маҳсулот алмашувининг кучайиши сўнгги палеолит даврининг охирлари ва мезолит даврига келиб тўлов воситаси сифатида алоҳида қийматга эга бўлган нодир маҳсулотлардан фойдаланишга ўтилишга олиб келган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Маҳсулот алмашинувининг илк босқичларида нодир маҳсулотлар қабила бошлиқлари, жамоада алоҳида ҳурмат ва нуфузга эга бўлган кишиларга бериладиган совға тарзида, яъни ўзаро совғалар алмашинуви шаклида амалга оширилганлигини кўплаб этнографик тадқиқотлар натижалари ҳам тасдиқлайди.

Турли хуудлар ўртасидаги ўзаро маҳсулот айирбошлаш жараёнлари қадимги Ўрта Осиё ҳудуди учун ҳам хосдир. Хусусан, юқорида кўриб чиқилган чақмоқтош конларидан олинadиган хом ашё ва ундан тайёрланган маҳсулотлардан нафақат ички эҳтиёжлар учун, шу билан бирга ўзаро маҳсулот айирбошлаш жараёнларида ҳам фойдаланилган. Албатта, сўнгги палеолит даврида Ўрта Осиёдаги турли қабилалар ўртасидаги ўзаро маҳсулот алмашув фақат тош меҳнат қуроллари ва хом ашёларни алмаштиришдан иборат бўлмасдан, анча кенг доирада амалга оширилган бўлиши ҳам мумкин. Хусусан, баъзи мутахассислар фикрича, Ўрта Осиёдаги чақмоқтош ва бошқа тош конларида минтақанинг турли хуудларидан келган қабилалар вакиллари учрашганлар. Бу ерда нафақат турли маҳсулотлар алмашинуви амалга оширилган, шу билан бирга конлардан хом ашё олиш ва конлар яқинидаги устахоналарда уларга қайта ишлов бериш, маҳсулотлар тайёрлаш бўйича ўзаро тажриба алмашиш ҳам юз берган¹⁹.

¹⁶ Алексеев А., Першиц Л. История первобытного общества. С. 186.

¹⁷ Касымов М. Р. Кремнеобрабатывающие мастерские и шахты каменного века Средней Азии. С. 123.

¹⁸ Алексеев А., Першиц Л. История первобытного общества. С. 186.

¹⁹ Касымов М. Р. Кремнеобрабатывающие мастерские и шахты каменного века Средней Азии. С. 123.

Бу жараёнларни таҳлил қилиб, сўнгги палеолит даврида ибтидоий кончилик ишлаб чиқариши ривож, олинадиган хом ашёга ишлов бериш ва турли меҳнат қуроллари яшашга ихтисослашган кишилар гуруҳи пайдо бўлганлиги, яъни ибтидоий меҳнат тақсимоли юз берганлиги ҳақида ҳам муҳим хулосалар чиқариш мумкин.

Мутахассислар ўрта палеолит давридаёқ Ўрта Осиё ва Қадимги Шарқ дунёсининг турли ҳудудларидаги маконлардан топилган тош қуроолларда маълум ўхшашликлар кўзга ташланишига эътибор қаратадилар. Хусусан, Ўзбекистон жанубидаги бу даврга мансуб Тешиктош ғоридан, Сирдарёнинг ўрта оқимидаги қирғоқ бўйида жойлашган қадимги манзилгоҳдан (бу манзилгоҳни Сирдарё суви юшиб кетган) топилган тош қурооллар Эрон, Фаластин ва Сурияда топилган тош қуроолларга ўхшаб кетади. Сўнгги палеолит даврига оид Самарқанд маконидан топилган тош қурооллар эса Сибирь ҳудудидаги бу даврларга оид қурооллар билан деярли бир хилдир²⁰. Бу топилмалар Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудуди билан юқоридаги жойлар ўртасида ўзаро маҳсулот алмашув мавжуд бўлганлиги масаласига аниқлик киритишни кун тартибига қўймоқда. Албатта, юқоридаги ҳудудлар ва маконлардан олинган тош қурооллардаги ўхшашликларга «ўша давр тош индустрияси ривожига хос умумий хусусиятлар натижаси сифатида»²¹ ҳам қараш мумкин. Шу билан бирга, палеолит даврида тошга ишлов бериш техникаси соҳасида қўлга киритилган янгиликларнинг нисбатан катта ҳудудларда тарқалишига асосланган мутахассислар ўзаро кўшни жамоалар ўртасида доимий хўжалик алоқалари ва ўзаро маданий таъсир мавжуд бўлганлиги ҳақида фикр билдирадилар²².

Шу тариқа, тарихнинг энг қадимги даврларида турли ҳудудлар ўртасидаги маҳсулотлар алмашуви нафақат тор доирада балки, бир қабиладан бевосита кўшни қабилага маҳсулот чиқариш тарзида борган, шу билан бирга баъзи нодир маҳсулотлар ҳудуддан ҳудудга, қабиладан қабилага ўтиб узок ўлкаларга ҳам етказиб берилган. Қадимги тош давридаги бундай ибтидоий маҳсулот алмашуви маҳаллий ва транзит аҳамиятга эга бўлган илк алоқа йўллари шаклланишини бошлаб берган муҳим сабаблардан бири эди.

Илк алоқа йўллари тармоқларининг шаклланиши ва ривожланишида **ибтидоий қабилаларнинг миграцияси**, яъни бир ҳудуддан

²⁰ М а с с о н В. М. Средняя Азия и Древний Восток. М.; Л.: Наука, 1964. С. 4.

²¹ Археология зарубежной Азии. М.: Высшая школа, 1986. С. 18.

²² Ф а й н б е р г Л. А. Возникновение и развитие родового строя // Первобытное общество. М.: Наука, 1975. С. 49-87.

бошка худудга кўчиши ҳам катта ўрин тутган. Турли сабаблар туфайли аҳолининг бир худуддан бошка худудга кўчиши инсоният тарихининг энг қадимги даврдан бошлаб кузатилади. Эҳтимол, юкорида келтириб ўтилган тош индустрияси ривожига хос умумий хусусиятлар, ер шарининг турли худудларидан топилган тош меҳнат куролларининг ўхшашлиги аҳолининг маълум миграция жараёнларидан ҳам далолат бериши мумкин.

Юкорида миграция жараёнлари нафақат инсонлар, шу билан бирга қушлар ва ҳайвонот оламига ҳам хослигига тўхталиб ўтган эдик. Лекин, ер шарининг турли минтақаларидаги табиий шароитнинг турли-туманлиги ҳамда ҳайвонлар ва қушларнинг табиий шароит олдидаги ожизлиги ва табиатдаги ўзгаришларга мослашувчанлик қобиляти инсонлардагидек ривожланмаганлиги туфайли уларнинг миграция имкониятларини бироз чеклаган бўлса, бу ҳолат ибтидоий аждодларимизни тўхтатиб қола олмаганлигини кўришимиз мумкин. Буни сайёрамизнинг инсон яшайдиган барча китъалари сўнгги палеолит давридаёқ қадимги аждодларимиз томонидан ўзлаштирилганлиги ҳам кўрсатиб турибди. Хусусан, инсониятнинг қадимги аждодлари сўнгги палеолит давридаёқ ер шарининг катта худудларини айнан миграция, яъни бир худуддан иккинчи худудга кўчиш орқали ўзлаштирилганликлари маълум.

Кишилиқ тарихидаги дастлабки йирик миқёсдаги миграция осиеликлар томонидан Австралия ва Янги Зеландия ҳамда Америка китъасига амалга оширилганлиги умум эътироф этилган. Бу миграция жараёни бир неча босқичда, кўшни худудларни маълум кетма-кетликда эгаллаб, ўзлаштириб бориш тарзида амалга оширилган бўлиб, Австралия ва Янги Зеландия худуди бундан 35-40 минг йил олдин, Янги Гвинея эса бундан 25 минг йил олдин осиеликлар томонидан ўзлаштирилган. Осиедан Австралияга аҳоли миграцияси ҳозирги Зонд архипелагидаги бир-бири билан туташган ороллар орқали амалга оширилган²³. Осиеликларнинг Аляска ва Шимолий Америкага кўчиши ҳам куруклик йўллари орқали, Осие-Америка китъасини боғлаб турган ҳозирги Беринг бўғози ўрнидаги куруклик йўлаги орқали амалга оширилган²⁴. Ушбу миграцион жараёнлар маълум кетма-кетликда ва бир неча босқичда амалга оширилган бўлиб, Америка ва Австралия туб халқлари қон гуруҳи таҳлили натижалари ҳам Америка китъасига аҳоли дастлаб Шимоли-Шарқий Осиедан, Австралияга эса Жануби-Шарқий Осиедан кўчиб ўтганлигини кўр-

²³ Алексеев А., Першиц Л. История первобытного общества. С. 176-177.


²⁴ Ларичева И. П. Палеоиндийские культуры Северной Америки. Новосибирск, 1979. С. 202.

сатди²⁵. Миграция жараёнлари ер шарининг бошқа минтакаларида ҳам амалга оширилган бўлиб, айнан мана шу жараён сабабли ер шарининг асосий қисми бу даврда инсонлар томонидан ўзлаштирилди.

Палеолит даври миграция жараёнлари илк улов воситаларига бўлган эҳтиёжни келтириб чиқариши табиий эди. Баъзи тадқиқотчилар фикрича, илк ибтидоий улов воситалари ер шарининг катта қисми музлик билан қопланган сўнгги палеолит давридаёқ шимолий ярим шарда яшовчи қабилалар томонидан ихтиро қилинган. Археологик тадқиқотлар муз ва қорда юришга мўлжалланган чанасимон улов воситалари айнан шу даврда пайдо бўлганлигини кўрсатмоқда²⁶. Бу маълумотлар улов-транспорт воситаларини ҳаракатлантириш учун баъзи ҳайвонларнинг (ит, шимол буғуси ва бошқалар) қўлга ўргатилиши ва уларнинг кучидан фойдаланиш музлик даврининг сўнгги босқичларида бошланганлиги хақида фикр билдиришимизга имкон беради.

Шу тарика илк алоқа йўллари шаклланишида сўнгги палеолит ва мезолит давридаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва табиий-географик омиллар катта ўрин тутган. Бу жараён кейинги тарихий даврларда янада ривожланиб тор маҳаллий аҳамиятга эга йўللاردан минтақавий ва трансминтақавий алоқа йўллари тармоқлари ривожига олиб келди.

Илк алоқа йўллари шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган табиий-географик ва иқтисодий-хўжалик омиллар қуйидаги жадвалда ўз аксини топган.



²⁵ Чебоксаров Н. Н., Чебоксарова И. А. Народы, расы, культуры. М.: Наука, 1985. С. 133.

²⁶ Алексеев А., Першиц Л. История первобытного общества. С. 224.

Кўриб чиқилган масала тахлили куйидаги хулосаларга келишга имкон беради:

– Ер шарининг бошқа антропоген ландшафтлари сингари минтақамизда ҳам илк алоқа йўллари тармоқларининг шаклланиши тош даврида бошланди ва ибтидий аждодларимизнинг турмуш тарзи, хўжалик эҳтиёжларига мос равишда ривожланиб борди.

– Ибтидий маконларни озик-овқат ва сув манбалари, ҳам ашё заҳиралари мавжуд жойлар билан боғловчи йўллари алоқа йўллари-нинг илк тармоғи ва даврий жихатдан энг қадимгиси сифатида кўрса-тиш мумкин.

– Сўнгги палеолит давридаёқ ер шарининг турли минтақаларида, хусусан, Ўрта Осиёда ҳам қадимги аҳоли нисбатан зич жойлашган ҳудудлардаги турли қабилалар ўртасида ўзаро маҳсулот айирбошлаш вужудга келди. Бу дастлаб ўзаро қўшни қабилалар ўртасидаги айирбошлаш, кейинчалик сўнгги мезолит ва неолит даврларидан бошлаб нисбатан узоқ ҳудудлар ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш тарзида кечди. Бу жараёнлар илк алоқа йўллари-нинг янги йўналишларига нисбатан узоқ ҳудудларни ўзаро боғловчи йўллар шаклланишига асос солди.

– Илк алоқа йўллари шаклланишида аҳоли миграцияси жараёнлари ҳам катта ўрин тутган. Қадимги Ўрта Осиё ҳудудига ҳам сўнгги палеолит, айниқса мезолит ва неолит даврларидан бошлаб мазкур жараёнлар фаол бошланган жой сифатида қараш мумкин.

– Тош даврида асос солинган илк алоқа йўллари кейинги тарихий даврларда минтақавий аҳамиятга эга йўлларнинг шаклланишида ҳам асос сифатида муҳим ўрин тутган.

У. Мавланов

Природно-экономические основы становления ранних путей сообщения в Средней Азии

В статье рассмотрены проблемы формирования ранних путей транзитного сообщения, экономических и культурных связей, их природно-географические и хозяйственно-экономические основы. В качестве базовых факторов, влияющих на формирование ранних путей, выделены необходимость в сырьевых ресурсах, миграционные процессы населения с целью освоения новых территорий, стремление первобытных племен к хозяйственным и культурным связям для натурального обмена продуктами и освоения хозяйственных и технических достижений.

U. Mavlonov

Natural and economic basis of initial ways of relation

The problems related with the formation of initial ways of relation and their natural-geographic as well as economic basis are considered in the article. Basic factors influencing on the formation of initial ways of relation include economic needs for products and raw resources, natural exchange of different geographical landscape products, migration of population for the purpose of obtaining new territory, striving of primitive groups for economic and cultural relations needed for obtaining economic and technical innovation as well.

И. Алимов

XIX АСРДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ АНДИЖОН БЕКЛИГИДАГИ МАКТАБ ВА МАДРАСАЛАР¹

Қўқон хонлиги XVIII асрда Бухоро амирлигидан ажралиб чиққанда фақат Фарғона водийси ҳудудини ўз ичига олган эди. XIX асрнинг биринчи ярмига келиб, Қўқон хонлигига Тошкент, Туркистон, Ўратепа, Хўжанд ва унинг атрофидаги туманлар ҳам қўшиб олинди. Натижада Қўқон хонлиги Ўрта Осиёдаги энг катта давлатлардан бирига айланди, сиёсий-иқтисодий кудрати мустаҳкамланди. Хонликда фан ва техника деярли тараққий этмаган бўлса ҳам маориф, адабиёт, архитектура ривожланди. Умархон, Мадалихон, Худоёрхон ҳукмронлиги Қўқон хонлигининг энг тараққий этган даври бўлди.

Қўқон хонлиги раванқ топган, маданий жиҳатдан ривожланиб юксак даражага кўтарилган XIX асрда кўплаб мактаб ва мадрасалар юзага келди. Андижон уезди бошлиғининг 1889 йилда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборган Андижон уезди ўқув юртларининг 1887 йилдаги рўйхатида 28 та мадраса 169 та мактаб тўғрисида ахборот берилган². Бу ҳужжатда мактаблар ва мадрасалар сони тўла кўрсатилма-

¹ Ушбу мақола муаллифнинг «Ўзбекистон тарихи» журналининг 2005 йил, 1-сонидagi «XVI-XVIII асрларда Андижон беклигидаги мактабларга оид ноёб ҳужжат» номли мақоласининг давоми.

² ЎзР МДА, 19-фонд, 1-рўйхат, 12554-иш, 29-47-варақлар.

ган. Рўйхатда кўрсатилган мадрасалардан ташқари Андижон шахрида 1808 йилда Раҳмонқулбой қурдирган мадраса борлиги аниқланди. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ҳар йили чоп этадиган «Фарғона вилояти обзори»нинг 1904 йилга бағишланган жилдида Андижон уездида 1890 йилда 28 та мадраса ва 316 та мактаб фаолият кўрсатган³, деб қайд этилган. Ваҳоланки, 1887 йилда 169 та мактаб бўлса, 2 йилда 147 та мактаб қурилиши ё очилиши амалда мумкин эмас эди. Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, 1887 йилда мактаблар ва мадрасалар тўла рўйхатга олинмаган. Андижон уезди ўқув юр்தларининг 1887 йил рўйхатидаги маълумотга кўра, мадраса ва мактабларнинг асосий қисми Қўқон хонлиги даврида ташкил қилинган. Чунончи, рўйхатдаги 28 мадрасадан 26 таси, 169 та мактабдан 115 таси хонлик даврида, яъни 1876 йилгача ташкил бўлган.

Хон ва унинг оила аъзолари, йирик амалдорлар, беклар бадавлат шахслар мадрасаларни ўз ҳисобидан қурдирган. Мадраса билан бирга одатда, муллабаччалар номоз ўқиши учун масжид ҳам солинган. Мадраса қурдирган шахс унга доимий даромад келиб туриши учун мулк вақф қилган. Шариат талаби шундай бўлган. Мактабларни юқоридаги шахслардан ташқари аҳолининг ўрта ҳол табақалари ҳам қурдириш имкониятига эга бўлган.

Айрим мактабларнинг вақф мулклари бўлган ва ундан тушган даромад бинони таъмирлашга ва ўқитувчини таъминлашга сарфланган. Вақф мулкани одатда, мактаб, масжид қурдирган шахс таъсис этган. «Фарғона вилояти Андижон уездининг 1887 йилдаги ўқув юр்தлари рўйхати»даги 169 та мактабдан 49 тасини вақф мулки бўлган ва ҳар йили маълум миқдорда даромад олган. 1887 йилдаги маълумотга кўра, Андижон шахридаги Оқмасжид мадрасаси қошидаги мактабнинг 96 рубль, Раҳимбой Хўжа мактабининг 25 рубль, Шарифбой мактабининг 28 рубль, Ҳақулбод мактабининг 45 рубль, Пойтуғ мактабининг 35 рубль, Учқўрғон мактабининг 45 рубль, Ниёзбек мактабининг 24 рубль, Норқулбой мактабининг 20 рубль, Қувондик Сўфи мактабининг 15 рубль, Муҳиддиёр Хўжа мактабининг 10 рубль, Боймурод мактабининг 8 рубль даромади бўлган.

Эски мактаблар одатда, кичкина бўлиб, уларда ўқувчи болалар сони кам бўлган. 1887 йилда Андижон уездидаги 91 та мактабда бор-йўғи 6-10 нафардан бола ўқиган. 78 та мактабда 11 нафардан 30 нафаргача бола таълим олган. Ҳақулбоднинг Учқўрғон қишлоғида 1818 йилда очилган Учқўрғон мактабида 6 нафар ўқувчи, 1806 йилда бунёд этил-

³ Обзор Ферганской области за 1904 год. Новый Маргилан, 1905. С. 135.

ган Балиқчининг Дўнқайма кишлоғидаги Иброҳим саркар мактабида 8 нафар бола, 1816 йилда бунёд этилган ўша ҳудуднинг Хўжаобод кишлоғидаги Хўжа Додхоҳ мактабида 10 нафар ўқувчи сабоқ олган. Ёрбошининг Бўтақора кишлоғида 1826 йилда очилган мулла Саъдулла мактабида 21 нафар бола, Тикмозор кишлоғидаги 1846 йилда барпо этилган Қодирқулбеги мактабида 28 нафар ўқувчи ўқиган. Бўтақорада хотин-қизлар мактаблари ҳам бўлган. Хожар биби мактабида 20 нафар қизлар таълим олган. Қизларни отинчалар ўқитган. Битта мактабда одатда, битта ўқитувчи дарс берган. Фақат айрим катта мактабларда иккита домумла фаолият юритган.

Мактабда ўқиш 5-6 йил давом этган. Болаларга араб алифбосида ўқиш, ёзиш ўргатилган, диний билимлар билан бирга ҳисоб, адабиёт ўқитилган. Мактабни битирган болаларнинг бир қисми ўқишни мадрасаларда давом эттирган.

Ўқув юртлари рўйхатида кўрсатилишича, 1826-1873 йиллар ичида Кўқон хонлигининг Андижон беклигида 26 та мадраса барпо этилган. Шулардан 16 та мадраса Андижон шаҳрида, қолганлари йирик қишлоқларда барпо этилган. Хонлик даврида қуйидаги мадрасалар қурилган ва фаолият кўрсатган: Абдурахмон офтобачи, Абдуҳоликбой, Азимхўжа Мирзахўжа Эшон, Бердихўжабек, Бокибой, Жоме, Зулфиқорбек, Зуннубек, Исо Додхоҳ, Маҳмудалибой, Мулла Абдусаттор, Мулла Олимқул, Мусулмонқул, Муҳаммад Раҳим, Муҳаммад Ҳолик, Насриддинбек, Окмасжид, Тагшигин, Тоғайхўжа, Чувама, Чуқур масжид, Ўринбой, Кўқон қишлоқ, Холбек Қушбеги⁴.

Бу мадрасалар ўрта ва олий ўқув юрти даражасида бўлган. Улар давлат ва диний ташкилотлар учун кадрлар тайёрлаган. Андижондаги мадрасалар Бухоро, Кўқондагиларга нисбатан кичик бўлган. Талабалар сони кўпчилик мадрасаларда 20 нафар атрофида бўлиб, даромадлари 50-200 рублдан ортмаган. Даромади оз мадрасаларда битта мударрис дарс берган. Кўқон хонлигининг катта амалдорлари – Исо Додхоҳ, Холбек қушбеги, Маҳмуд дастурхончи, Мусулмонқул, Насриддинбек, Абдурахмон офтобачи Андижонда қурдирган мадрасаларда вақф мулки, даромади, талабалари ва мударрислари кўп бўлган.

Андижондаги ҳозиргача маълум бўлган энг қадимги мадраса Раҳмонқулбой мадрасаси ҳисобланади. Бу мадраса ўз замонасининг катта ер эгаларидан бири Раҳмонқулбой томонидан хижрий 1223-милодий 1808 йилда қурилган. Мадрасага Ҳакан даҳасининг Ҳоликбек Қушбеги кишлоғида 407 десятина ва Майгирнинг Сари-Бош кишлоғида 207 де-

⁴ ЎЗР МДА, 19-фонд, 1-рўйхат, 12554-иш, 30-45-варақлар.

сятина суғориладиган ер ва Андижон шаҳри бозоридаги карвонсаройни вақф қилиб берган⁵.

Вақфномада мадрасанинг жойлашиши қуйидагича баён этилган. «Раҳмонқулбой Имомқулбий Андижоннинг Олайлик томонида мадраса қурдирди. У ғарбда йўл билан, шарқда эски қалъа ҳандағи билан, жанубда кўча, шимолда ҳам кўча билан чегараланган. Унинг ғарб томонида азизлар кўкнорихонаси – мозори бор, ғарбда эса Мавлоно Шохасан мозори бор». Олайлик даҳаси ҳозирги Бобур майдони, Чорғузар, Пиён-бозор, Такавой гузар агрофларини ўз ичига олади. Демак мадраса шу ҳудудларда бунёд этилган.

Мадрасанинг вақфномасида (Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланмоқда) 27 та муҳр бор. Жумладан, Қўқон хони Мадалихон муҳри, хижрий 1227 йил белгиланган, Сўфи Аълам муҳри, хижрий 1230 йил ёзилган, Муҳаммад Шариф қози муҳри ва бошқалар. Вақфномадан ташқари мадрасанинг вақф мулкларини хирож ва таноб солиқларидан озод қилинганлиги тўғрисидаги Худоёрхоннинг иноятномаси ҳам бўлган.

Вақфномада мутавалли тайинлаш ва вақф мулки – даромадини тақсимлаш тартиби қуйидагича белгиланган. Вақфномада мутавалли лавозимига мударрис тайинлансин, дейилган. Мутавалли ҳар йили тушган даромадни олдин мадраса биносини таъмирлашга, бошқа эҳтиёжларга сарфлаб, қолган қисмини 24 қисмга бўлган. Улардан 12 қисмини мударрисга, 10 қисмини муллабаччаларга, қолган 2 қисмини 9 қисмга бўлиб, улардан 3 қисмини мадраса масжидининг имомига, 2 қисмини муаззинга, 1 қисмини тарғиботчига, 1 қисмини қоровулга, 2 қисмини сартарошга бериш вақфномада белгиланган эди⁶.

XIX асрнинг 80-йилларида мадрасанинг мударриси ва мутаваллиси Субҳонқилбек Имомқулбий бўлган. Мадраса ўз даврининг университети ҳисобланган. Унда кўплаб талабаларга диний ва дунёвий билимлар ўргатилган.

Раҳмонқулбой мадрасасида ҳар йили ўртача 50-60 нафар талаба ўқиган. Уни битирганлар Андижондаги жамоат ва давлат идоралари ишини юритишда хизмат қилган. Улар мадраса ва мактабларда ёшларни илмли, билимли қилишда, масжидларда аҳолини одобли, ахлоқли қилиб тарбиялашда катта аҳамият касб этди.

Андижондаги ўқув юртлари рўйхатида кўрсатилган мадрасалар орасида дастлабки қурилган мадрасалардан бири Исо Додхоҳ мадраса-

⁵ ЎЗР МДА, 19-фонд, 1-рўйхат, 34183-иш, 17-варак.

⁶ Ўша жойда, 34183-иш, 3-варак.

сидир. Бу ўқув юрти 1826 йилда барпо этилиб, ўз фаолиятини бошлаган. Мадраса асосчиси Исо Додхох Қўқон хонлигини Мадалихон бошқарган даврида саройда хон номига ариза қабул қилувчи – додхох лавозимида хизмат қилган. Мадрасада 22 та хужра ва 2 та дарсхона бўлган. Исо Додхох мадрасага 350 десятина ер, 18 та савдо дўкони, 1 та карвонсарой, 1 та тегирмон вақф қилган. 1887 йилда вақф мулкининг даромади 1300 рублни ташкил қилган. Мадрасада 130 нафар талабага 6 нафар мударрис илм ўргатган⁷.

Ўша вақтларда пул жуда қадрли бўлган. Архив маълумотларга қараганда 1885 йилда Фарғона водийсида 1 қадок мол гўшти ўртача 8 тийин (лаҳм, суяксизи 9 тийин, когурға гўшти 7 тийин) бўлган. Қадок – оғирлик бирлиги, 409,5 граммга тенг. Демак, 1 кг мол гўшти тахминан 20 тийинга тўғри келган. 1 пуд (16 кг) пахтанинг нархи 1 сўм 40 тийин бўлган⁸. Шундан келиб чикиб айтиш мумкинки, мадрасанинг даромади унинг эҳтиёжини тўла қоплаган.

Андижон шаҳридаги энг катта мадрасалардан бири Холбек Қушбеги мадрасаси бўлган. Унинг асосчиси Холбек Қушбеги Қўқон хони Худоёрхоннинг саройида қушбеги лавозимида ишлаган, яъни хоннинг вазири бўлган. Мадраса шаҳарнинг Қоримулла маҳалласида 1831 йилда қурилган. Мадрасанинг 34 та хужраси ва 2 та дарсхонаси бўлган. Холбек мадрасага вақф қилиб 66 десятина ер, 5 та савдо дўкони, 1 та карвонсарой таъсис қилган. Мадрасада 130 нафар талабага 11 нафар мударрис дарс берган⁹.

Оқмасжид мадрасасини Андижон шаҳрида 1838 йили Маҳмуд дастурхончи солдирган. У Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1822-1842) саройида дастурхончи лавозимида ишлаган. Оқмасжид мадрасасининг 25 та хужраси ва 1 та дарсхонаси бўлган. Маҳмуд дастурхончи мадрасага 185 десятина ер, ҳаммом вақф қилган. Мадрасанинг вақф мулкларидан 1000 рублга яқин даромад тушган. Мадрасанинг масжидидан ташқари мактаби ҳам бўлган. Вақф даромадининг бир қисми мактабга ҳам ажратилган. 1891 йилдаги маълумотга қараганда мадрасада 60 нафар талаба ўқиган ва 6 нафар мударрис дарс берган. Мударрислар 200 рубль ҳақ олган. Юқори синф талабалари 12 рубль, ўртанчи талабалар 6 рубль ва куйи синф талабалари эса 3 рубль нафақа олган.

Андижондаги йирик мадрасалардан яна бирига 1841 йилда Мусулмонқул асос солган. У Худоёрхоннинг биринчи вазири бўлган.

⁷ ЎЗР МДА, 19-фонд, 1-рўйхат, 12554-иш, 32-варақ.

⁸ Ўша жойда, 22919-иш, 130-варақ.

⁹ Ўша жойда, 12554-иш, 31-варақ.

Мадрасанинг 24 хужраси ва битта дарсхонаси бўлган. 70 та савдо дўконини ва кўп миқдордаги экин ерларини вақф қилиб берган. Найман қишлоғидаги вақф ерлари солиқдан озод қилинган эди. Мадрасанинг йиллик даромади 2000 рублни ташкил қилган. Мадрасада 1887 йилда 100 нафар талаба ўқиган ва 7 нафар мударрис дарс берган.

Хонлик даврида Андижонда бунёд этилган йирик мадрасалардан бирига Насриддинбек 1867 йилда асос солган. Насриддинбек Худоёрхоннинг катта ўғли. У Андижонга ҳоким бўлган даврда мадраса қурдирган ва катта миқдорда мулк вақф қилган. Мадрасанинг 25 та хужраси ва 2 та дарсхонаси бўлган. Бу мадраса 1875 йилда чор ҳукумати армияси Андижонни босиб олгандан кейин бузиб ташланган. 1877-1878 йилларда маҳаллий аҳоли ёрдамида Чувалачи даҳасида Насриддинбек мадрасаси қайта бунёд этилган. 1887 йилда вақф мулкидан 800 рубль даромад олган. Мадрасада 60 нафар талаба ўқиган, 10 нафар мударрис ишлаган.

Андижон шаҳри Авушка маҳалласида 1873 йил қурилган Абдурахмон офтобачи мадрасасининг 2 та дарсхонаси, 24 та хужраси, масжиди бўлган. 1887 йилда мадрасада 83 нафар талаба ўқиган, 7 нафар мударрис таълим берган. Абдурахмон офтобачи Мукулмонқул мингбошининг ўғли Худоёрхон саройида офтобачи лавозимида хизмат қилган даврида хон унинг хизмати эвазига Андижон беклигининг Олтинқўл қишлоғидан 12 минг таноб ер берган. Бу ерлар Офтобачичек деб номланиб, Улуғнор ариғидан суғорилган. Бу ерларни Абдурахмон офтобачи ўзи қурдирган мадрасага вақф қилиб берган. Вақфномага Худоёрхон муҳри босилган эди. Бу ер мадрасага ҳар йили 20 минг сўмдан даромад берган¹⁰. Абдурахмон офтобачи отаси сингари мингбоши ҳам бўлган. У Қўқон хонлиги кўшинларининг бир қисмига қўмондонлик қилган ва 1875-1876 йилларда хонликка бостириб кирган чор ҳукумати армиясига қарши курашган.

Биз юқорида Андижон шаҳрида қурилган ва фаолият кўрсатган мадрасалар ҳақида тўхталдик. Андижон беклигининг қишлоқларида бунёд этилган мадрасалар нисбатан кичик бўлиб, вақф мулклари улардан тushадиган даромад ҳам талабалар, мударрислар сони ҳам оз бўлган.

Андижон беклигининг Ўзган қишлоғи бойларидан бири Бойчукбой Абдурахмон ўғли хижрий 1271-милодий 1855 йилда мадраса қурдирган. Мадраса нисбатан кичик – битта дарсхона ва 15 та хужраси бўлган¹¹. Битта хужрада икки нафар муллабачча яшашини ҳисобга олсак, мадра-

¹⁰ ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 1151-иш, 276-варак.

¹¹ ЎзР МДА, 19-фонд, 1-рўйхат, 23264-иш, 4-варак.

сада 25-30 нафар ўқувчи таълим олган ва битта мударрис дарс берганлиги маълум бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида Бойчукбой мадрасасининг вақфномаси нусхаси сақланган. Вақфномада кўрсатилишича, Бойчукбой ўзига тегишли хусусий мулкдан мадрасага битта карвонсарой ва 8 та ер участкасини вақф қилиб берган.

Андижон беклигининг Кўконқишлоқ худудидаги Хайробод қишлоғининг катта ер эгаларидан бири Тоғай Ҳожи Ордоқчи Сўфи ўғли ўз қишлоғида ҳижрий 1269-милодий 1853 йилда мадраса қурдирган. Ўша замондаги одатга кўра мадрасага уни қурдирган шахснинг номи берилган. У қурдирган мадраса Тоғай Ҳожи мадрасаси деб номланган. Ўша йили Тоғай Ҳожи мадрасага иккита ер участкасини вақф қилиб берган. Вақфнома кўлэмасига Худоёрхон ва 8 нафар кози ва муфтийлар муҳрлари босилган. Бу муҳрлар вақфномани асл нусха эканлигидан далолат беради. Вақфнома кўлэмаси Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг 19 рақамли Фарғона вилояти бошқармаси фондида сақланмоқда.

Вақф қилинган биринчи ер майдони 50 танобга яқин, иккинчи ер майдони 40 танобга яқин эди. Бу ерлар вақфкор деҳқонларга ижарага берилар ва экин экиларди. Вақфномада кўрсатилишича, ердан олинган даромадни 1/10 қисми мутаваллига, қолган қисми мадрасани таъмирлашга ишлатилган, ундан қолгани икки қисмга бўлиниб бир қисми мударрисга, бир қисми муллабаччаларга тақсимланиши белгиланган¹².

1855 йилда Тоғай Ҳожи мадрасасига Муҳаммад Раҳим Бобоев битта ер участкасини вақф қилиб берган. Бу 30 танобга яқин ер ҳам Хайробод қишлоғида бўлган. Милодий 1856 йилда (1273 ҳижрий йил) Бадалжон-Биби Ишмуҳаммедова Тоғай Ҳожи мадрасасига Хайробод қишлоғидаги ўзига тегишли битта ер участкасини вақф қилган. Ҳижрий 1275-милодий 1858 йилда Жон-Биби Ишмуҳаммедова юқорида номи тилга олинган мадрасага Хайробод қишлоғида беш таноб атрофидаги битта ер участкасини вақф қилган¹³.

Бу бешта вақфнома бир-бири билан ёпиштирилган, вақфноманинг бошига ва охирига Худоёрхон муҳри босилган. Бундан ташқари мадрасага ҳижрий 1219 йилда Худоёрхоннинг иноятномаси ҳам берилган. Иноятномага асосан Тоғай Ҳожи мадрасасига вақф қилинган бешта ер участкаси хирож ва таноб солиқларидан озод қилинган¹⁴.

¹² ЎзР МДА, 19-фонд, 1-рўйхат, 34271-иш, 29-варак.

¹³ Ўша жойда, 34271-иш, 39-40-вараклар.

¹⁴ Ўша жойда, 34271-иш, 32-варак.

Энди Қўқон хонлиги давридаги Андижон мадрасаларининг фаолиятига тўхталамиз. Мадраса курдирган шахслар вақф қилиб ажратган мулкни у ёки бу мадрасага тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжат – вақфнома қозига туздирган. Мадрасалар ҳўжалик соҳасидаги фаолиятини вақфнома асосида ташкил қилган. Вақфнома устав вазифини бажарган.

Мадраса, мактаб ва диний ташкилотларга экин ерлар, боғлар, савдо дўконлари, карвонсаройлар, ҳаммом, тегирмонлар каби кўчмас мулклар вақф қилинган. Вақф мулки диний ташкилотга умрбод фойдаланиш учун берилган. Мулкни вақф қилган киши ҳам уни қайтариб олиши мумкин бўлмаган. Вақф қилинган мулкни мусодара қилиш, сотиш, гаровга кўйиш ман этилган.

Вақфномада мутавалли – вақф мулкни бошқарувчини тайинлаш, вақф мулки даромадини бўлиш тартиби белгиланган. Вақфномада кўп ҳолларда мутавалли вақф қилувчининг авлодидан бўлиши шарт эди. Айрим ҳолларда мутавалли лавозимига ҳалол, одил киши тайинлансин, деб васият қилинган. Мутавалли мадраса вақф мулкни ижарага берган, даромадни вақфномадаги кўрсатмага асосан бўлган. Мадрасанинг даромади ва вақфномада кўрсатилган жамғармаларнинг улушига қараб уларга маблағ ажратилган. Вақф мулки ва даромади кўп бўлган мадрасалар талабаларининг нафақалари ҳам кўп бўлган. Мадрасанинг ҳар бир синфида талабалар 4-7 йил таҳсил олган. Талаба мадрасада қарийб 15-20 йил ўқиган.

Мадрасанинг асосий ходими унинг ўқитувчиси – мударрис бўлган. Мадраса мударриси Қўқон хонлиги даврида хон ёки ҳоким томонидан тайинланган. Андижон мадрасасида билим олган мулла мударрис бўлиш учун Бухоро ва Қўқон мадрасаларида қайта ўқиган, малакасини оширган. Чунки булар пойтахт мадрасалари бўлганлиги учун уларда илоҳиёт илмининг заковатли, таниқли олимлари дарс берган. Мударрис мадрасада ўқитиладиган барча фанлардан бир ўзи талабаларга сабоқ берган. Шунинг учун у кўп йиллар ўқиган. Одатда, мударрис лавозимига тайинланган шахснинг ёши 40 дан кам бўлмаган. У мадрасанинг ўзига хос профессори бўлган.

Қўқон хонлиги даврида Андижон мадрасаларида кимлар мударрислик қилганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар сақланмаган. 1891-1892 ўқув йили Туркистон ўлкаси мусулмон ўқув юртлари инспектори Наливкин Фарғона вилояти мадрасаларини текширган. У ўз ҳисоботида Фарғона вилояти, жумладан, Андижон уезди мадрасаларининг мударрислари рўйхатини келтирган. Шу ҳужжатга кўра Ҳолбек Қушбеги мадрасасида домудла Саид Жалол, Сайфиддин Сўфи Охун, мулла Ҳошим Охун, мулла Муҳаммад Мусо, Отабек Қози, Йўлдошхўжа, мулла Нозир,

мулла Юнус Охунлар мударрис бўлиб хизмат қилишган. Мусулмонқул мадрасасида мулла Исо Охун, мулла Муҳаммад Раим, мулла Азиз, мулла Мансур, Насриддинбек мулла Муҳаммад Ёқуб, мулла Абдулваҳоб талабаларга сабоқ берган. Исо Додхоҳ мадрасасида мулла Обид Охун, мулла Охун Бобо, мулла Ҳусанбой, Мунаввар Аълам, Маҳмудхўжа Қози, Абдували Махсум, Мансурали Махсум ва Оқмасжид мадрасасида Эшонхўжа домулла, Абдусаттор Махсум, Насриддин Охун, мулла Нишон Охун, мулла Исмоил, Муҳаммад Олим Махсум мударрислик қилган¹⁵.

Ёши улғайган сари мадраса мударрисларининг ҳурмати ортиб борганини, кўп йиллар ишлаганлигини ҳисобга олсак, юқорида номлари тилга олинган профессорларнинг кўплари хонлик даврида ҳам хизмат қилган бўлиши мумкин, деган хулосага келиш жоиздир.

Кўқон хонлигида мадрасаларни Шайхулислом ва Қозикалон назорат қилиб турган. Мадрасаларни бевосита бошқарадиган хон амалдорлари аъламиён ва мутаваллибоши бўлган. Аъламиён хон томонидан тайинланиб, хазинадан маош олган. У хонликдаги мадрасаларда ҳам ўқув, ҳам хўжалик ишларини бошқарган. Мутаваллибошини хон тайинлаган. У мадраса мутаваллиларини текширган ва мадрасалардан ҳақ олган.

Мадрасада араб ва форс тилларида ёзилган китоблар, дарсликлар ўқилган. Дастлаб муллабаччаларга «Аввали илм» китоби форс тилида ёдлатилган. Шундан кейин улар асосий курсларни ўрганишни бошлаган. Биринчи бўлиб араб тили грамматикаси, араб ҳарфи (морфология) ва наҳви (синтаксис), «Бидон», «Қофия» дарслари ўтилган. Талабалар мутолаа қилинадиган китобларни бемалол ўқишлари учун араб тилини мукамал ўзлаштириб олганлар. Шундан сўнг шариат ақидаларини «Ҳидоя», «Фикҳ кайдоний», «Мухтасар виқоя», «Шарҳи виқоя» каби китоблар асосида ўрганишган. «Шамсия» китоби асосида мантиқ илмини эгаллашган. Баъзи мадрасаларда талабалар тиббиёт, аруз илми, фалсафа, жуғрофия, арифметика, геометрия ва бошқа фанларни ҳам ўтишган. Охири кўрсатилган фанлар мадрасани тугатиб, қози бўлиб ишлайдиган битирувчиларга ерни меросхўрларига бўлиб беришда, ерни ўлчашда, вақфномада вақф қилинган ер майдонини ва унинг чегараларини аниқ кўрсатиш ва бошқа ҳолларда керак бўладиган билимлар ўргатилган.

Кўқон хонлиги даврида мадрасани битирганлар давлат ва диний ташкилотларда ишлаган. Улар хонликнинг мирзахонасида мирзабоши, мирзалавозимларида хизмат қилган. Мадрасани тугатганлар хон ва ҳокимларнинг шахсий котиби – мунши лавозимида ҳам ишлаган. Муншилар хон ва ҳокимларнинг мактуб ва фармонларини ёзганлар. Шунингдек, мадрасада ўқиганлар хонликнинг бошқа давлат идораларида ҳам ишлаганлар.

¹⁵ ЎЗР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 328-иш, 55-56-варақлар.

Андижон беклиги Фарғона водийсидаги маданияти ривожланган воҳа бўлган. Бу ерда мадрасаларни битирган теран билимли масжид имомлари, мактаб домлалари каби зиёлилар кўп бўлган. Биз таҳлил қилаётган хужжатлар гувоҳлик берадики, XIX асрда Қўқон хонлигининг Андижон беклигида мактаблар сони кескин кўпайган. Бу даврда мактаблардан ташқари мадрасалар ҳам бунёд этилган. Мадрасаларни вужудга келиши Андижон беклигида маорифни ривожланишида туб бурилиш ясаган. Маориф энди фақат ёшларни саводхон қилиш билан чеклаб қолмай, давлат ва диний ташкилотларга юқори малакали кадрлар тайёрлаб чиқара бошлаган. Мадрасалар воҳа тараққиётида катта роль ўйнаган, маданиятни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган. Мадрасаларнинг битирувчилари зиёлилар сафини кенгайтирган, кўплаб шоирлар, адиллар, олимлар етишиб чиққан.

Мактаб ва мадрасаларда исломнинг, унинг муқаддас Қуръон китобининг, Муҳаммад пайғамбар ҳадисларининг умуминсоний, миллий кадриятларини, юксак ғояларини ёшларга тарғиб қилган. Бугунги ҳаётда фақат эзгу амаллар қилиб ўзини поклашга, маънавиятини ўстиришга, комил инсон бўлиб етишишга даъват этган, ёшлар қалбига ва онгига умумбашарий ахлоқ нормаларини сингдирган.

сига юклаганлар. Шунинг учун илгари бизда ҳам оталар ўз фарзандларини домлага олиб борганда «эти сизники, суяги бизники» деб болани ўқитувчи ихтиёрига топширганлар. Лекин энди ўқитувчиларнинг хурмат, эътибори унинг касбий мақомига эмас, кўпроқ шахсий хусусиятларига боғлиқ бўлиб қолди. Бундан ташқари, шаҳар мактаблари ўқувчилари учун мактаб маданий ҳаётнинг ягона ва асосий маркази эмас. Улар ихтиёрида театрлар, клублар, спорт уюшмалари кабилар бор.

Социализациянинг энг муҳим автоном институтларидан бири оммавий ахборот воситалари бўлиб, бугунги кунда уларнинг ўрни ва аҳамияти тез ўсиб бормоқда. Демак, тадқиқотчи оммавий ахборот воситаларининг таъсир доирасига ўз эътиборини қаратмоғи лозим. Болалар социализацияси жараёнидаги энг муҳим масала бу – ҳар бир этнос маданиятига хос бўлган гўдак парваришlash усулини тадқиқ этишдир. Ушбу масала юзасидан, гўдакка ким қарайди ва қай даражада гўдак эътиборли; чақалок ва гўдак қандай озиклантирилади, озодаликка қандай ва қайси ёшдан ўргатилади; ота-оналарнинг гўдакка бўлган муносабатидаги эмоционал жиҳати қандай? Бу муносабатларнинг болани жинси, ёши ҳамда ота-оналарнинг жинсига боғлиқлиги, гўдакни жазолаш ва рағбатлантириш, оиланинг бошқа аъзоларини социализация жараёнидаги иштироклари, ака ва опаларнинг гўдак парваришlashдаги ўрни каби саволлар ўртага ташланади.

Социализация жараёнини тадқиқ этишда бу жараённинг энг муҳим ва ҳал қилувчи институти сифатида оилани чуқур ва атрофлича ўрганиш лозим бўлади. Унда асосий эътибор оталик ва оналик вазифаларининг дифференциация, зиммадаги масъулият тақсимоли, оила бошлиғи, оиланинг моддий жиҳатдан таъминланиш ва эмоционал муносабатларни сақлаб туриш даражаси каби масалаларга эътибор қаратилади. Зеро, бу ҳолатлар социализация жараёнига бевосита ҳам, билвосита ҳам таъсир кўрсатади.

Дастлаб этнографлар ҳам, психолог ва социологлар ҳам ота-она ва бошқа катта ёшдагиларнинг тарбиявий таъсирига катта аҳамият бердилар-у, лекин тенгқур, тенгдошлар жамоаси, ўйиндаги ўртоқлар гуруҳи кабиларнинг социализация жараёнидаги таъсирига унча эътибор қаратмадилар. Фақат XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб социологлар томонидан «тенгқурлар гуруҳининг социализацияловчи функцияси» масаласи жиддий қўйилди.

Тенгдош ва тенгқурлар жамоаси социализация омили сифатида ўрганилганда қуйидаги масалаларни назарда тутмоқ лозим:

– муайян тартибдаги ёш гуруҳлари ва уларнинг таркиби, тузилиши, функциялари;

– болалар ва ўсмирларнинг изчил тартибга тушмаган гуруҳий муносабат шакллари ва яшовчанлик даражаси;

– тенгдош ва тенгкур ёшдаги болаларга хос машғулот ва ўйинлар;

– маълум ёш босқичларига хос бўлган фаолиятдаги жинсий дифференциация.

Социализация институти сифатида жамоа ҳам алоҳида ўрин тутди. Қишлоқ, овул ва шу каби жамоа шаклларида катталар фаолиятига болалар ва ўсмирларнинг кўшилиш усуллари, қайси ёшдан кўшилиши, қандай фаолиятга (меҳнат, диний) болаларнинг ўргатилиши каби ҳолатлар ўрганилади.

Албатта, оилада ҳам жамоа ичидаги социализация жараёнида ҳам меҳнат тарбияси етакчи ўрин тутди. Бунда биз муайян этносга хос бўлган меҳнатга муносабат, меҳнат фаолиятининг сабаблари (тирикчилик воситаси, ўрганиб қолинган машғулот, диний ахлоқий бурч, ички эҳтиёж)ни таҳлил этишимиз даркор. Шунга боғлиқ тарзда болаларни меҳнатга ўргатиш вақти, муҳит (оила ичида ёки оиладан ташқарида), гуруҳий ва индивидуал меҳнат фарқи, меҳнатни рағбатлантириш усуллари кабиларга диққат қаратишимиз керак бўлади.

Жинсий социализация ҳам мазкур жараённинг таркибий қисми сифатида этнологлар, социологлар, психолог ва педагогларнинг диққат марказида туради. Чунки, айниқса, анъаналар яхши сақланган жамиятларда ўғил ва қиз болалар социализацияси ҳам мазмунан, ҳам усулига кўра кучли фарқланиб туради. Ўғил ва қиз болаларни ажратиш – сегрегация жуда кўп халқларда мавжуд бўлиб, баъзиларда стихияли, бошқаларда эса англанилган тарзда амалга оширилади. Сегрегациянинг қайси ёшлардан бошланиши ва қайси даврда кучлироқ кўзга ташланишини аниқлаш лозим. Шунингдек, қиз ва ўғил болаларни алоҳида социализация қилувчи махсус институтлар (эркаклар уйи ва бошқалар) мавжудми, йўқми уни билиш керак.

Турли халқларга хос бўлган болалар ва ўсмирлар социализациясини қиёсий-тарихий ўрганиш учун қуйидаги масалаларни таҳлил қилиш шарт ва зарур:

– тарбия мақсади ва вазифалари;

– тарбия усули ва воситалари;

– социализация институтлари ва агентлари;

– улар фаолиятининг натижалари ва самарадорлиги¹².

Тарбияни мақсад ва вазифаси ҳар қандай жамият маданиятининг муҳим элементи бўлиб, ўз ичига халқнинг инсонни табиати ва имкониятлари ҳақидаги тасаввурларини олади. Бу тасаввурларга кўра бола об-

¹² Волков Г. Н. Этнопедагогика. Чебоксары, 1974. С. 12-13.

рази камида икки ўлчовдан иборат: табиатан у ким (ёки худодан қандай яралган) ва тарбия, ўқитиш натижасида қандай одам бўлиши керак.

Социализациянинг усул ва воситалари янги туғилган чақалокни жисмоний парваришладан бошлаб, то ўсмирларни ижтимоий ҳаётга қўшиш усулларига қадар бўлган фаолият ва муносабатларининг жуда кенг доирасини камраб олади.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, чақалокларни жисмоний парвариш усуллари экологик омилларга жуда ҳам боғлиқдир. Масалан, совук иклимли мамлакатларда гўдаклар кечасию кундузи қаттиқ йўргакланган ҳолда беланчақда (ёки бешик) ётса иқлими иссиқ ўлкаларда болалар қисман кийинтирилади ёки яланғоч юради.

Социал-педагогик кадрият ва бола тарбияси усуллари нафақат хўжалик фаолияти мазмунига, жамият социал структурасига ҳам боғлиқ. Масалан, Европада ўрта асрлардаги гўдак парваришладан одатлари ва унга муносабат XIX асрдаги муносабатлардан анча фарқ қилган. XVII асрларда Европада болаларни жисмоний жазолаш, калтаклаш оилада ҳам, мактабда ҳам ва ҳатто, университетда ҳам кенг қўлланилган. Англия университетда 18 ёшли йигитлар ҳаммани кўз ўнгида саваланган. Чунки ўқитиш ва ўрганишнинг бошқа усули йўқ, деб ҳисоблашган¹³.

Таниқли рус врач, педагог Н. И. Пирогов ҳам гимназияда хипчин билан савалаб жазо беришга рози бўлган ва қаттиққўллик ва жазоларсиз яхши интизом бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблаган¹⁴. Болалар ва ўсмирларга бу каби муносабат жамиятда улар мавқеининг пастлиги ва социал жиҳатдан кам аҳамиятлилиги билан белгиланади. Қачонки, болалар ва ўсмирлар социал мавқеи кўтарилган сари уларни ижтимоий назорат қилиш ва уларга қўйиладиган талаб даражаси ҳам кучайиб борди.

Болаларни интизомга ўргатиш унинг ёши билан узвий алоқадор. Бу соҳада ҳам ҳар бир халққа хос фарқланишлар бор. Тадқиқотчилар шу принципда жамиятларни 4 типга ажратадилар:

1. Гўдаклик ва болаликнинг кейинги даврида интизомга талаб кучсиз бўлган;

2. Гўдаклик ва болаликнинг кейинги даврида интизомга талаб қаттиқ бўлган;

3. Гўдакликда интизомга қаттиқ талаб, кейинги даврда эса кучсиз талаб;

4. Гўдакликда интизомга кучсиз талаб, кейинги даврда эса аксинча¹⁵.

¹³ Ко н Н. С. Ребенок и общество. С. 143.

¹⁴ А зар о в Ю. П. Оила педагогикаси. Тошкент: Ўқитувчи. 1988. 16-бет.

¹⁵ Goldfrank E. Socialization, Personality, and the structure of Pueblo Society – American Anthropologist. 1945. Vol. 47. P. 516-532.

Тарбиянинг турли воситалари ва усулларининг ёйилиш нисбати ва самараси нафақат социализациянинг умумий мақсадига, балки, социализация агентлари ва институтларига ҳам боғлиқ. Таъсир кучи, вазифасига кўра булар васийлар, гўдак парваришини амалга оширувчи шахслар, обрў-эътиборли жамоа аъзолари, интизомга ўргатувчилар, ўқитувчи мураббийлар ва бошқалар. Бу вазифаларни ҳаммасини бир киши ҳам, ёки алоҳида кишилар ҳам бажариши мумкин. Албатта, ота-оналарнинг гўдак тарбиясидаги муҳим ўрнини ҳеч ким инкор қила олмайди. Лекин оталиқ ва оналик тушунчасининг моҳияти, уларнинг вазифалари барча жамиятларда ҳам бир хил эмас.

Инсоният таракқиётининг маълум босқичида кўп халқларда айниқса, юқори табақага мансуб оиларда фарзандни тарбиялаш учун бошқа оилаларга бериш кенг ёйилган¹⁶. Баъзи халқларда тарбиялаш учун барча фарзандлар берилса, бошқа халқларда фақат ўғил болаларни беришган. Масалан, Кавказ халқларида бола туғилиши биланок бошқа оиллага берилган¹⁷.

Социализация жараёни ҳақида гапирганда дин ва диний тасаввурларнинг алоҳида ўрнини унутмаслик керак. Дунёдаги деярли барча халқларнинг бола тарбияси анъаналарида дин ва диний қараш, тасаввурларнинг кучли таъсири бор. Биламизки, Авесто бу – фақат диний қўшиқлар ва алқовлар жамланмаси бўлиб қолмай балки, табиат, инсон оила жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар меъёри аниқ белгиланган таълимот ҳамдир. Ислому эътиқоди ҳақида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин. Шунинг учун ҳам гарчи, турли халққа мансуб бўлиб, бошқа-бошқа тилда гаплашсалар ҳам бир динга эътиқод қилувчиларнинг, умумий ўхшаш томонлари кўп бўлади.

Ҳозир дунё болалар ва ўсмирлар социализациясининг умумий муаммоларини ўрганишда уч асосий макросоциал тенденция кўзга ташланади:

1. Социал институтлар сонининг кўпайиши ва социализациянинг аниқ агентлари мавқеининг ўзгариши;
2. Болалар субъективлиги, ҳозиржавоблиги, топқирлиги ва фаоллигининг ўсиши;
3. Социализация усул ва мақсадларининг ўзгариши ва мураккаблашиши¹⁸.

¹⁶ Першиц А. И., Трайде Б. Воспитательство // Свод этнографических понятий и терминов. М., 1986. С. 38-39; Гарданов В. К. Аталычество. М., 1973.

¹⁷ Смирнова Я. С. Семья и семейный быт народов Северного Кавказа. Вторая половина XIX-XX в. М., 1983. С. 78-85.

¹⁸ Этнография детства: Традиционные формы воспитания детей и подростков у народов Восточной и Юго-Восточной Азии. М., 1983.

Хулоса қилиб айтганда, болалар ва ўсмирлар социализациясини ўрганиш ижтимоий соҳа тадқиқотчилари учун қимматли маълумотларни беради.

Б. Ҳамрақулова

Вопросы социализации детей в этнологии

Рассматривается проблема изучения социализации, в том числе детской, на основе анализа научной литературы по этнологии, этнопедагогике и этнопсихологии.

B. Hamrakulova

The role of children socialization in ethnology

The article is dedicated to the question of problem of socialization especially of children socialization and is based on studying of the scientific literature on ethnology, ethnopedagogics and ethnopsychology.

Ёш тадқиқотчи минбари

Н. Аллаева

ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ЭРОН БИЛАН САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН (XVI – XVIII асрлар)

Миссионерларнинг даъвати ҳам, дипломатик келишувлар ҳам, курул кучи билан бўйсиндиришлар ҳам халқларни ҳаётий эҳтиёж ва фойда ал-машинуви, яъни савдо-сотик сингари бирлаштира олмайди¹.

Шу жиҳатдан Хоразм ўлкаси қўшни халқлар билан қизғин савдо алоқаларини олиб бориб, Ўрта Осиёнинг йирик савдо марказлари қатори ўз даврида Ғарб билан Шарқнинг иктисодий алоқаларида муҳим ўрин тутган. Хива карвонсаройларига турли мамлакатлардан савдогарлар келган ва улар келтирган хилма-хил молларнинг бир қисми Хивада сотилса, қолган қисми транзит орқали бошқа жойларга тарқалган. Шунинг учун ҳам Хоразм ўзининг гавжум ва обод шаҳарлари ҳамда бозорлари билан тарихда машҳур бўлган. 1340 йилда ташриф буюрган италиялик савдогар Бальдучи Пегалотти «Осиёнинг ичкарасига киришнинг ҳожати йўқ, зеро, Хоразмнинг пойтахти Урганчда Европа бозори учун зарур бўлган барча молларни харид қилиш мумкин», деб маълумот берган².

XVI – XVIII асрлардаги ўзгариб турган кескин халқаро вазият ҳамда янги сув йўллари мавқеининг ортиб бориши Шарқ мамлакатларининг савдо алоқаларида катта кийинчиликларни туғдирса-да, улар Ўрта Осиё хонликларининг қўшни давлатлар билан олиб борган анъанавий савдо алоқаларини тамоман тўхтатиб қўя олмаган.

Хива хонлигининг ички, ташқи ва транзит савдо марказлари ҳисобланган Хива, Хонқа, Ҳазорасп, Янги Урганч, Гурлан каби шаҳарлар Россия ва кўпгина Шарқ давлатлари сингари қўшни Эрон давлати билан ҳам қизғин савдо алоқаларини олиб борган.

Бу савдо алоқаларининг тарихи анча қадимий бўлиб, анъанавий тарзда давом этиб келган. X асрдан бошлаб, Хоразм савдогарлари Яқин ва Ўрта Шарқ, Эрон, Ироқ мамлакатларига қатнай бошлаганлар. Ўрта асрларда Эрондан Хоразмга машҳур «казерун» матолари, «миной» ти-

¹ Х р у л е в С. Проскт устава товарищества для развития торговли со Среднею Азиею // Туркестанский сборник. СПб., 1883. Т. 375. С. 73.

² Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР (далее – МИУТТ). Л., 1932. Вып. 3. Ч. I. С. 46.

пидаги кошин, сопол ва люстравий идишлар, атир-упа, гилам, кишлок хўжалик маҳсулотлари келтирилган³.

Араб сайёҳи Ибн Баттута (1333) эсдаликлари⁴ орқали Хоразмда юқори табақа вакиллари орасида ироқи кўзалар, чиройли ироқи шиша идишлардан кенг фойдаланилганлиги ва уларнинг йирик савдогарлар томонидан кўплаб келтирилганлигини билиб олиш мумкин.

XVI асрга оид маълумотлар ҳам Хоразм ва Эрон алоқаларининг анъанавий тарзда давом этганлигини кўрсатади. А. Женкинсон Урганч бозорлари ҳақида ёзар экан, «бу ердаги бозорларда сотиладиган асосий молларнинг Бухоро ёки Эрондан келтирилиши» ни қайд этган⁵.

1615 йилда Хива хони томонидан рус подшоси саройига юборилган кўпдан-кўп совға-саломлар қаторида «рангли қизилбош кимхоби, машҳад камони, ранг-баранг қизилбош ипаклари, қизилбош пўлат ханжар» ларининг санаб ўтилиши⁶ XVII асрда ҳам Эрондан Хоразмга кўплаб хунармандчилик маҳсулотларининг олиб келинганлигини кўрсатиш билан бирга икки мамлакат хунармандлари ўртасида ўзига хос тажриба алмашиш имкониятининг мавжуд бўлганлигидан далолат беради. ЎзР ФА ШИ фондида сақланаётган № 289 рақамли мактублар тўпламига кирган Бухоро хукмдорининг Эронга ёзган мактубида⁷ (XVII аср) Якуббий бошчилигидаги элчилик билан бирга табиб ва бир гуруҳ хунармандлар, яъни «бахмалга нақш солувчи моҳир тикувчи, шуҳрат қозонган заргар, чинни устаси бўлган кулол ва кимёвий усулларсиз мисни олтинга айлантира оладиган уста» нинг Эронга юборилаётганлиги маълум қилинган. Гарчи, бу маълумот айнан Хива хонлигига тегишли бўлмаса-да, юқорида таъкидланган ўзаро таъсир ҳамда халқларнинг малака ва тажриба алмашинувиغا мисол бўла олади.

1647 йил Хивада бўлган рус савдогари Ивашка «Қизилбоши ерларидан Хивага савдо-сотик учун келган хуросонлик савдогарлар» ҳақида маълумот берган⁸.

³ М а ш а р и п о в Қ. Ю. Хоразмнинг Ўрта Шарқ ва Европа давлатлари савдо-сотик марказлари билан тарихий алоқалари (X – XV асрлар). Тарих фанлари номзоди ... дис. автореф. Нукус, 2004. 15-16-бетлар.

⁴ Золотая Орда в источниках. Арабские и персидские источники / Сост. Храпачевский Р. П., Пер. Тизенгаузена В. Г. М., 2003. Т. I. С. 146; И б р о х и м о в Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Тошкент, 1993. 59-бет..

⁵ Д ж е н к и н с о н А. Путешествие в Среднюю Азию 1558-1560 гг. // Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. / Пер. с англ. Готье Н. М., 1938. С. 177.

⁶ К о л о г р и в о в С. Н. Материалы для истории сношения России с иностранными державами в XVII в. СПб., 1911. С. 22-23.

⁷ Х о д ж а е в а Б. С. Сборник документов по истории Средней Азии XVI – XIX вв. // Общественные науки в Узбекистане. 1993. № 6. С. 26-29.

⁸ Торговля с Московским государством и международное положение Средней Азии в XV-XVII вв. // МИУТТ. С. 331.

Дўкон ва бозорлардаги моллар таркибини кузатар эканмиз, икки давлат савдогарларининг хилма-хил маҳсулотлар билан савдо қилганликларини кўришимиз мумкин.

Ўрта Осиё савдогарларининг Эрондан мурч, имбир каби ҳинд моллари билан бирга Исфаҳондан «худ-боф» деб номланган ипак матоларни олиб келганликларини маълум қилган Д. Валиева Ўрта Осиёга келтирилган ипак, шакар, феруза ҳамда Эрон экспортининг асосини ташкил этувчи донаси 30 рупийлик салла учун ишлатиладиган Кирмоншоҳ шоллари ва тамакини санаб ўтади⁹.

Эрондан иккала хонликка (Бухоро ва Хива) чиқариладиган моллар ичида ипакдан ташқари отлар ҳам бўлган¹⁰. Шунингдек, Хива хонлигига Эрондан айрим дорилар ҳам келтирилган¹¹.

Рус савдогари Д. Рукавкиннинг «савдо алоқаларини Эрон, Бухоро ва у ердаги бошқа (қўшни) худудлар билан олиб борган» Хива хонлигида «тангаларнинг Эрон ва Бухоро олтин, кумушидан зарб этилиши» ҳақида берган маълумоти¹² XVIII асрда олиб борилган Хива-Эрон алоқаларини тасдиқлаш билан бирга Хоразмга Эрондан кўплаб хунармандчилик маҳсулотлари қаторида олтин ва кумуш хом ашёсининг (яширин йўл билан бўлса-да) киритилганлигидан далолат беради.

Хонликда ўзининг мис тангаларидан ташқари Бухоронинг олтин тангалари, Голланд червонлари билан бирга Эроннинг риёл деб аталган кумуш пулларининг муомалада юритилганлиги тўғрисидаги маълумот¹³ анъанавий давом этиб келган Хоразм ташки иқтисодий алоқаларининг микёси ҳақида тасаввур беради. Хоразмда савдони ривожлантириш учун Бухоро ва Эрондан келтирилган кумуш тангаларнинг муомалада бўлганлигини олима О. Бертон ҳам қайд этган.

Хоразмлик савдогарлар ўз молларини олиб борадиган Исфаҳон шаҳри Эроннинг ташки савдосида бўлгани сингари Хоразм ва Эрон савдосида катта ўрин тутган¹⁴. Хива хонлигининг Россия билан савдо

⁹ В а л и е в а Д. Среднеазиатско-иранские отношения в I половине XIX века // Взаимоотношения народов Средней Азии и сопредельных стран Востока. Ташкент, 1963. С. 52-53.

¹⁰ B u r t o n A. The Bukharans a Dinastic, Diplomatic and Commercial History. 1500-1702. Great Britain, 1997. P. 443.

¹¹ Д а н и л е в с к и й Г. Описание Хивинского ханства // Записки ИРГО. СПб., 1851. Кн. V. С. 67.

¹² Б е т г е р Е. К. Самарский купец Данила Рукавкин и его караван в Хиву в 1753 г. // Известия АН Туркменской ССР. 1952. № 6. Отдельный оттиск (далее – Бетгер Е. К. Самарский купец Данила Рукавкин). С. 10.

¹³ Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819-1820 гг. гвардейского генерала штаба капитана Н. Муравьёва, посланного в сии страны для переговоров. М., 1822. Ч. II. С. 82.

¹⁴ И в а н о в М. С. Очерк истории Ирана. М., 1952. С. 68.

килувчи савдогарлари «колочи», Бухоро, Эрон, Афғонистон билан савдо килувчилари эса «бухорчи» деб аталган¹⁵.

Ўрта Осиё савдогарлари Эронга ипак, қоракўл тери, барра кўзи териси, кунжут, бугдой ва туркман отларини олиб боришган. Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Россия каби давлатларга Ўрта Осиёдан чиқарилган маҳсулотлар таркибида хоразмлик усталар томонидан ишлаб чиқарилган ипак матолар ҳам бўлган¹⁶. Эронлик савдогарларнинг ўзлари ҳам Хивага келтирган моллари эвазига Хива ипагини ва у билан бирга зарб қилинган Хива ва рус тангаларини ҳамда катта миқдорда чарм, мовут сингари рус молларини олиб кетишган¹⁷. XVII аср Эронда «аббосий» пули билан бирга турли қийматдаги хар хил тангалар, жумладан, турк ва рус тангалари амал қилган¹⁸. Шу боис, рус моллари билан савдо қилган Хоразм ва Эрон савдогарлари яхши даромад кўришган.

Хусусан, Ўрта Осиё савдогарлари Эронга маҳаллий молларини чиқаришдан ташқари чой, қоғоз, «рус чарми», чит, рўмол, мовут, кўзгу, биллур, чинни, темир ва мис идишлар, қозон, темир ва сандиқ каби бошқа давлатлардан келтирилган маҳсулотлар ҳамда рус ва ўзларида зарб қилинган нақд тангаларни реэкспорт қилганлар.

Шунингдек, ўзларининг ўртача сифатли парчалари, ипак ва пахта матоларини сотиш учун Оренбургга олиб борган хиваликлар у ердан рус молларини олиб, Бухоро ва Эронга боришган, ўз навбатида у ердан олиб қайтган молларини Оренбургда сотганлар¹⁹.

Тарихий манбалар хоразмлик савдогарларнинг Эрон шаҳарларига олиб борган моллари ичида турли хилдаги матоларнинг миқдори салмокли бўлганлигини кўрсатади. Хусусан, тарихчи Муҳаммад Козим Хива хони Шерғозихон (1714-1728) томонидан юборилган савдо қарвонининг Машҳад шаҳрига келиб, турли хилдаги мато (қандай мато эканлиги номаълум) ҳамда от ва ҳачирларни сотганлиги ҳақида маълумот берган²⁰.

¹⁵ Джабаров И. М. Ремесло узбеков Южного Хорезма в конце XIX – начале XX в. / Среднеазиатский этнографический сборник (Занятия и быт народов Средней Азии). Л., 1971. Вып. III. С. 75.

¹⁶ История Узбекистана. Ташкент, 1993. Т. III. С. 269.

¹⁷ История Узбекистана. Ташкент, 1947. Т. 2. С. 149.

¹⁸ История Ирана с древнейших времен до конца XVIII в. / Под ред. Струве В. В. Л., 1958. С. 277.

¹⁹ Бетгер Е. К. Самарский купец Данила Рукавкин... С. 9.

²⁰ Мухаммад Козим. Нама-йи аламара-йи Надири (факсимиле). М., 1960. Т. I. С. 85.

Хоразм тарихчиларининг кўплаб мато ва бехисоб турли моллар («окмаша-йи»²¹ бисёр ва амтээ-йи бишумор») билан Машҳадга йўл олган (1804) икки юз кишидан иборат Хоразм савдогарлари тўғрисидаги маълумотлари ҳам эътиборга лойиқ²².

Машҳадда сотилган от ва хачирлар ҳақидаги маълумотга келсак, энг яхши зотлари Бухоро ва Хивада боқиладиган хачирларни катта миқдорда сотиш учун Эрон, Бағдод, Дамашк ва Мисрга олиб борган ҳожилар ҳақида бошқа манбаларда ҳам сўз юритилган²³.

Ўрта Осиё ва Эрон ўртасидаги савдонинг ривожланишида Эрон орқали Макка ва Мадинага йўл олган ҳожилар ҳам маълум даражада роль ўйнаган. Зиёратга асосан бадавлат кишилар чикқанлиги боис, ўз моллари билан карвонларга келиб қўшилган зиёратчилар йўл-йўлакай турли мамлакатларда кизгин савдо олиб боришган²⁴.

Тарихий манбаларда келтирилган маълумотлар нотинч, ўзаро сиёсий муносабатлар барқарор бўлмаган даврда ҳам икки томон савдогарларининг ўзаро алоқалари тўхтаб қолмасдан давом этганлигини кўрсатади. Жумладан, «Нома-йи оламоро-йи Нодирий» асарида Нодиршоҳнинг Хоразмга юриши (1740) дан бир оз олдин Хива хони Элбарсхоннинг Хуросон юришига тайёргарлиги билан боғлиқ қизиқарли вазият ҳақида маълумот берилган. Яъни, бу вақтда Хоразмда бўлган бир қанча Эрон савдогарлари вазиятдан хабар топгач, ўзбеклар кийимида қочиб Хуросонга келган ва Хоразм кўшинининг бўлғуси хужумидан ҳукмдорни оғоҳ қилишган²⁵. Демак, Нодиршоҳнинг кенг миқёсдаги ҳарбий юришлари муносабати билан минтақадаги сиёсий вазият қалтис бўлиб тургани ҳолда Эрон савдогарларининг Хива хонлигида бўлиши ҳар қандай шароитда ҳам халқлар ўртасидаги иқтисодий алмашинувлар амалга оширилганлигини кўрсатади. Шунингдек, Нодиршоҳнинг Хоразмга юриши чоғида шу ерда бўлган инглиз савдогарлари Томсон ва Гогларнинг шох рухсати билан кўшин аскарларига ўз молларини муваффақиятли сотиб

²¹ Нодиршоҳнинг фармонида (1151 х. й) матоларни ўтказганлик учун олинадиган «окмаше» солиғи тилга олинган; Арунова М. Р., Ашрафян К. З. Государство Надир-шаха Афшара (Очерки общественных отношений в Иране 30 – 40-х годов XVIII века). М., 1958. С. 84-85.

²² Shir Muhammad mirab Munis and Muhammad Riza mirab Agahi. Firdaws al-iqbal. History of Khorezm. Edited by Yuri Bregel. Leiden, 1988. P. 452.

²³ В а м б е р и А. Путешествие по Средней Азии из Тегерана через Туркменскую пустыню // Туркестанский сборник. СПб., 1869. Т. 12. С. 210.

²⁴ М а н н а н о в Б. Русско-иранские отношения конца XIX – начала XX в.: Дис. ... канд. истор. наук. Ташкент, 1962. С. 86.

²⁵ М у х а м м а д К а з и м . Нама-йи аламара-йи Надири. Т. I. С. 288; Извлечение из «Надир-наме». Соч. Мухаммед Казима. / Пер. и прим. Иванова И. П. // МИТТ. С. 156.

олганликлари²⁶ савдонинг ҳар қандай сиёсатдан ҳоли бўлган ўзига хос қонуниятларини кўрсатади.

Хоразм ва Эрон ўртасидаги савдо икки давлат савдогарлари учрашиш имкониятига эга бўлган бошқа давлат савдо марказларида ҳам олиб борилган. Кўпинча, Ўрта Осиёдан Эронга борадиган йўлдаги хавф-хатар, катта бож тўловлари ҳамда жанубдаги савдо йўллари устида жойлашган маҳаллий ҳукмдорлар томонидан ўтказиладиган тазйиқлар ўртаосиёлик савдогарларни ўз молларини кўплаб Эрон савдогарлари келадиган шаҳарларга олиб боришга ундаган²⁷.

Бухорода қизғин савдо олиб борган хоразмлик савдогарларнинг у ерда махсус қарвонсаройлари бўлиб, улар «урганжи қарвонсаройлари» деб аталган. 1694 йилда бу ерга 80 га яқин рус савдогарларининг келганлигини маълум қилган О. Бертон Жўйбор шайхлари томонидан барпо этилган «урганжи қарвонсаройлари» Эрон ва Араб давлатларидан келган кўплаб савдогарларга ҳам хизмат қилганлигини қайд этади²⁸. Кейинги маълумотлар XIX асрнинг 30-йилларида Бухорода учта ана шундай қарвонсаройлар бўлганлигини тасдиқлайди²⁹.

Давлатлараро келишувларда тажрибали элчиларнинг маҳорати қанчалик роль ўйнаса, бериладиган совға ва ҳадялар ҳам шунчалик муҳим аҳамият касб этган. Ўз ўрнида ҳукмдорларнинг бир-бирлари билан «совғасаломлар» алмашинишини савдонинг бир тури, деб ҳисобласа бўлади³⁰.

«Шажараи турк» асарида Эрон шоҳи Таҳмосиб I (1524-1587) нинг Хива хони Бўчғахон жиянига уйланиши муносабати билан юборган шоҳона ҳадяларининг ичида кумуш билан ишлов берилган тўққизта ханжар, зарбофтдан тикилган ҳашаматли чодир тўшаки билан, тўққиз от эгари ва югани билан, минг бўлак кумуш ипак санаб ўтилган³¹.

Хоразм ҳукмдорлари Ҳожи Муҳаммадхон, Исфандиёрхон, Абулғозихон ва бошқа кўпгина султонлар даврида Эронга юборилган элчиларнинг шоҳга муносиб совғалар билан мурожаат этганлигини ҳисобга

²⁶ В е с е л о в с к и й Н. И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего Н. Веселовского. СПб., 1877. С. 195.

²⁷ В а л и е в а Д. Среднеазиатско-иранские отношения в I половине XIX века. ... С. 56.

²⁸ В и р т о н А. The Bukharans a Dinastic, Diplomatic and Commercial History. ... P. 413.

²⁹ Записки о Бухарском ханстве (отчеты П. И. Демизона и И. В. Виткевича). М., 1983. С. 101.

³⁰ Ю л д а ш е в М. Ю. К истории торговых и посольских связей Средней Азии с Россией в XVI – XVII вв. Ташкент, 1964. С. 46; Б а й к о в а Н. Б. Роль Средней Азии в русско-индийских торговых связях (первая половина XVI – вторая половина XVIII века). Ташкент, 1964. С. 51.

³¹ А б у л г о з и й Б а х о д и р х о н. Шажараи турк / Нашрга тайёрловчилар Қ. Муниров, Қ. Махмудов. Тошкент, 1992. 128-бет.

олсак, икки давлатнинг ўзаро алмашинуви турли-туман хунармандчилик ва кишлок хўжалиги маҳсулотлари орқали амалга оширилганлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Бухоро Шайбонийларига қарши курашда иттифоқчилик қилган Хоразм султони Динмуҳаммад (XVI аср) миннатдорчилик тариқасида Эрон шоҳи томонидан фаҳрий тўн ва йилига 300 туман миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланган, яъни шоҳ унга ҳар йили Сабзавордан 300 табриз туманини йиғиб олиш ҳуқуқини берган³². Шунингдек, Хивада Бекович-Черкасский экспедициясининг барбод бўлганлиги (1718) тўғрисидаги хабарни Исфаконга етказиб келган махсус Хива чопарининг Эрон ҳукумати томонидан 72 червон билан тақдирланиши, шоҳ Султон Ҳусайннинг Хива хонига 2000 туман пул тақдим қилганлиги тўғрисидаги маълумотлар³³ Хива хонлиги худудига кўплаб Эрон пуллари кириб келиш омилларини кўрсатади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни қайд этиш мумкинки, кўрсатилган даврда Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги савдо алоқалари бевосита бадавлат савдогарларнинг савдо келишувлари орқали икки давлатнинг йирик шаҳарларида, шунингдек, қўшни давлатларнинг йирик савдо марказлари ҳисобланган шаҳарларда амалга оширилган.

Савдонинг алоҳида кўриниши бўлган совға-саломлар (пешкаш, хадя) орқали ҳам икки давлат ўзаро хунармандчилик ва турли кишлок хўжалиги маҳсулотлари билан алмашинган.

Хоразм ва Эрон ўртасидаги савдо йўллариининг туркман дашти орқали ўтганлиги бу алоқаларда катта қийинчиликларга сабаб бўлган. Лекин, тарихий манбалардаги маълумотлар ҳар қандай қийинчилик ва муаммолар Хоразм ва Эрон ўртасидаги анъанавий савдо алоқаларини батамом тўхтатиб қўя олмаганлигини кўрсатади.

Н. Аллаева

Из истории хивинско-иранских торговых отношений (XVI – XVIII вв.)

Статья посвящается изучению торговых отношений Хивинского ханства с Ираном в XVI – XVIII вв. Раскрыта роль средневекового Хо-

³² Искандарбек Мунши. Тарих-и Оламоро-йи Аббосий. Техрон, 1350 х. й. Т. I. 66 саҳифа.

³³ Аннанепесов М. Укрепление русско-туркменских взаимоотношений в XVIII – XIX вв. Ашхабад, 1981. С. 37.

резма как крупного торгового центра, связывающего Восток с Западом. Приведены сведения о различных видах торговли и важных торгово-экономических центрах, занимавших значительное место в экономических взаимоотношениях Хорезма с Ираном. На основании исторических источников перечислены виды местных и транзитных товаров. Показана устойчивость традиционных хивинско-иранских торговых отношений, несмотря на сложную политическую ситуацию в регионе и трудности на пути сообщений в XVI – XVIII вв.

N. Allaeva

From the history of trade relations between Khiva khanate and Iran (XVI – XVIII centuries)

In this article shown the role of Horezm as a great trade center, which connects West and East. Also, there are information's about trade relations of Hiva khanate with Iran and role of importance of trade centers. Analyzed different various of trades. On the base of historical sources enumerated types of local and transit products. Author makes the conclusion that in spite of difficult political situation in region and troubles on the ways of communication, the trade relations between Khiva khanate and Iran in XVI – XVIII centuries were continued.

P. Турсунов

XX АСР БОШИДАГИ МИЛЛИЙ МАТБУОТДА ТУРКИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИ

Туркистонда XX аср бошида жадидчилик маърифатчилик ва тор доирадаги маданияшлатиришдан сиёсий ҳаракатга айланган. Файзулла Хўжаев тили билан айтганда, «Ўрта Осиёни банклар, деҳқонлардан хом ашё сотиб олувчи савдо идоралари билан қоплаб олган ва ўз мануфактураси, бошқа фабрикантларнинг келтираётган рус капитализми тобора кучайиб, жамиятнинг илғор қисмини ўйлантириб қўйди, жадидчиликка сабаб бўлди»¹. 1914-1915 йилларда ҳаракатнинг таъқиб остига олиниши, чет элда

¹ Х о д ж а е в Ф. Материалы к истории Бухарской революции. Ташкент, 1926. С. 176.

миллий тараққийпарвар ҳаракатлар тажрибасини ўрганиб қайтган ёш кучларнинг ташкилотга қўшилиши, жадидлар мақсадининг кенгайишига ва сиёсий тус олишига сабаб бўлган. Улар солиқларни камайтириш, амалдорлар зулмини чеклаш, деҳқонлар ҳаётини енгиллаштириш каби талабларни қўйишганди². Чунки улар сиёсий қарамликдан чиқишнинг ва халқ аҳволини яхшилашнинг бирдан-бир йўли авваламбор иқтисодий қудратга эришиш эканлигини англашган эди. Буни Ниёзий Ражабзоданинг «Олам тижорати (иқтисод) илмидан воқф бўлмаган зот миллиўнларча ақча ва сарватга мўлик бўлса ҳам иш кўра билмас ожиз бўлур. Чунки илм иқтисод: сарват ақчанинг нечук ҳосил бўлмоқини ва шароит илан кунда тақсим ўлунмок хусусларинда баҳс қиладур» каби сўзлари тасдиқлайди³. Шу сабабдан ҳам жадидлар ўлка иқтисодиёти ва унинг аҳволи, инқироз сабабларини ўрганишга ва ундан чиқиб кетиш йўллари излашга киришган. Буни жадид матбуотида эълон қилинган кўплаб мақолалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Туркистоннинг XX аср бошларидаги иқтисодий ҳолатини ёритишда бу мақолалар муҳим аҳамиятга эга. Бу турдаги мақолаларни мазмунига кўра 3 гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Қишлоқ хўжалигига оид мақолалар;
2. Савдо ва ишлаб чиқариш ҳақида мақолалар;
3. Банк ва банк тизими тўғрисидаги мақолалар.

Биринчи гуруҳ, яъни ўлка қишлоқ хўжалиги ҳақида гувоҳлик берувчи фикрларни ўзида жамлаган Абдулсами қори Зиёбоевнинг «Тупроғимиз олтиндур», Абдурауф Музаффарзоданинг «Тупроқ надур», Сайидносир Миржалиловнинг «Пахта», Чўлпоннинг «Вағанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик», Сайид Аҳмад Сиддиқийнинг «Деҳқончилик», «Туркистон ва Фарғона хабарлари», «Пахта бозори ёпилибди» каби мақолаларда Туркистоннинг асосий иқтисодий таянчи ҳисобланган соҳанинг аҳволи хусусида сўз юритилган. Жумладан, Абдулсами қори Зиёбоевнинг мақоласида аҳоли яшаш тарзининг оғирлашишига деҳқонларни арзиманган сабаблар билан яхши, ҳосилдор ерларни ажнабийларга сотиб юбораётганлигида деб билган ва уларни ҳар қандай ҳолатда ҳам ерларини ўзларида сақлаб қолишга даъват қилган. Туркистон ерлари бебаҳо эканлигини таъкидлаб, буни англаган ажнабийлар қандай бўлмасин ерларни сотиб олишга ҳаракат қилаётганлиги ва бу охир-оқибат ўлка ерларини бегоналар қўлига ўтиб кетиши мумкинлигини куюниб ёзган. Шунингдек,

² А л и м о в а Д. А. Жадидчилик ҳаракати ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти. Жадидларнинг давлатчилиқка оид қарашлари // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Тошкент: Шарқ, 2001. 162-бет.

³ Н и ё з и й Р а ж а б з о д а. Санойэ миллийамиз ёхуд фаолияти иқтисодий // Садои Фарғона. 1914 йил 26 сентябрь.

Туркистон ерлари бутун халқимизнинг асосий иқтисодий таянчи эканлиги, агар астойдил меҳнат қилинса, катта фойда олиш мумкинлигини уқтириб, уни кадрига етиш, ердан унумли фойдаланишга чақирган⁴.

Сайидносир Миржалиловнинг мақоласида эса Туркистоннинг асосий бойлиги ҳисобланган пахта хусусида сўз юритилиб унинг фикрича, пахта ўлка ҳаётида шу даржада ўрин тутган эдики, усиз Туркистон ҳатто, Россия саноатини тасаввур қилиб бўлмайди. Шунингдек, пахта нафақат саноат, балки савдо соҳасининг ҳам асосий жон томири ҳисобланган. Буни Сайидносир Миржалиловнинг «Пахта Туркистон», «Туркистон пахта» бул иккиси шул қадар бир-бирига боғлангонки, бирисин айтсак иккинчиси ўз-ўзидан айтиладур. Туркистонда пахта шул қадар муҳим ўрин тутқонки, бирор сабаб ила пахта бирор йил экилмай қолса, Туркистондаги савдо оламин остин устига келтурадур. Агар ушбу уруш вақтида воқеъ бўлса, рус мамлакатинда кўб халқ бутунлай ялонғоч қоладур» каби фикрлари ҳам тасдиқлайди. Демак, ўша даврда пахта етиштириш ўлка кишлок хўжалигининг асосий даромад келтирувчи тармоғи бўлиш билан бирга қолган барча соҳаларнинг ривожлантирувчи омили, мамлакат иқтисодининг таянчи бўлиб, ўлка тақдири кишлок хўжалиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Бу ҳақда Сайидносир Миржалиловнинг «Иқтисодий ишларимиз тартибга солинмаса, сиёсий ишларимизнинг ривожланмови табиий эмасми?»⁵ каби фикрлари ҳам тасдиқлайди. Мамлакатда юзага келган вазият муваққат ҳукуматни эҳтиёткорлик билан иш тутишга мажбур қилган. Шу сабабдан пахтага қатъий баҳо қўйиш учун фабрика эгалари, ишчилар, пахта билан савдо қилувчи савдогарлар, ёғ заводининг вакиллари ва деҳқонларнинг умумий йиғилишини ўтказиб, унда пахта нархини белгилаш ва уни министр тасдиғига қўйиш учун махсус йиғилиш чақирилган. Аммо, бу юқорида таъкидланганидек, вазият тақозоси бўлиб, халқни алдашдан иборат режа бўлган. Бу борада Сайидносир Миржалилов мақоласида шундай баён қилинади: «...буниси ҳам кўз бўйовдангина иборатдир. Агар ҳақиқатдан Туркистон пахта-сини тегишли кадр қилмоқчи бўлса эди, бу йиғилишни Туркистонда қилуб Туркистон деҳқонларини чеккан азобларини ўз кўзлари ила кўриб, шунга қараб иш қилар эдилар. Ҳолбуки, Москвадаги йиғилишга Сирдарё, Фарғона, Самарқанд вилоятларидан 4 дан 12 одам чақирғон. Шунинг ҳам ярмиси, деҳқон эмас одамларга берулғон»⁶.

⁴ Абдулсами кори Зиёбоев. Тупроғимиз олтиндур // Садои Туркистон. 1914 йил 4 апрель.

⁵ Миржалилов С. Пахта // Кенгаш. 1917 йил 20 август.

⁶ Ўша жойда.

Юзага келган вазиятдан келиб чиқиб, жадиждлар энди кишлоқ хўжалигида ўзгаришларни амалга ошириш учун давлат миқёсида, сиёсий-амалий ҳаракатларни бошлаган эди. Скобелев, Қўқон, Тошкентда йиғилишлар ўтказилиб, унда пахтага қанча нарх белгиланса мақсадга мувофиқ бўлишлиги масаласи кўрилган. Фабрика эгалари, савдогарлар, деҳқонлар ва жадиждчилик вакиллари иштирок этган бу йиғинлар қизгин баҳс-мунозара ва тортишувларга сабаб бўлган ва унда мусулмонларнинг қўли баланд келган. Қўлга киритилган бу ғалабанинг яна бир муҳим томони шундаки, пахтага нарх қўйишда ҳар бир ҳудуднинг шароити ҳисобга олинган. Шунга кўра Қўқонда бир пуд пахтага 28 сўм 5 тийин, Фарғонада 37 сўм 25 тийин, Тошкентда 28 сўм 66 тийин нарх белгиланган. Бунинг устига деҳқонларнинг қилган меҳнатига ҳам алоҳида ҳақ тўлашга келишиб олинган. Аммо, бу тўловнинг қандай кўринишда тўланиш масаласида бир тўхтамага келинмаган. Бу масалани ҳал қилиш Москвада ўтказиладиган йиғилишга қолдирилган⁷.

С. Миржалилов бу масаланинг ечими қандай бўлиши мумкинлиги ҳақида сўз юритиб, агар ижобий ҳал қилинмаса Туркистондаги иқтисодий инқироз янада чуқурлашиб, очарчилик янада авж олиши мумкинлигини эътироф этган. Шунингдек, у юз бериши мумкин бўлган воқеаларнинг оқибатларидан огоҳ этибгина қолмай, уларнинг олдини олиш йўллари хам кўрсатиб берган. Жумладан, бу масалани ижобий ҳал қилиш учун биринчидан, туркистонликлар бу қарордан норози эканликларини билдириб телеграмма юбориши лозим. Иккинчидан, «Туркистон мусулмонларининг марказ шўроси» деҳқонларни ҳақ-ҳуқуқларини химоя қилиб, Туркистон аҳолисининг 90% ини ташкил қилувчи деҳқонларни барчасини бундан огоҳ этиш керак. Агар шунда ҳам вазият ўзгармаса, туркистонликлар фақатгина пахта экмасдан, ўзларининг эҳтиёжини қондирадиган миқдорда ғалла экишлари ва Россияга иқтисодий қарамликдан халос бўлишлари даркорлигини таъкидлаган⁸.

Муаллиф «Кенгаш» газетасининг 25 август сонисида эълон қилинган навбатдаги мақоласида мавзуни давом эттириб, гарчи, туркистонликлар норозилик билдириб, бош кўтармаган бўлсаларда, деҳқонлар ерга пахта экиш миқдорини камайтирган. Буни муаллиф келтирган қуйидаги статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди: «Ўтган йил 20 таноб эккан деҳқон бу йил 5-10 таноб экди. 5 таноб экканлар 2-3 таноб экди. Демак, юқоридаги сўзлар курук кўркитув эмас. Туркистон деҳқонлари пахтасиз яшайдир, аммо овқатсиз яшай олмас»⁹. Бундан ташқари «Бир-

⁷ Миржалилов С. Пахта // Кенгаш. 1917 йил 20 август.

⁸ Ўша жойда.

⁹ Ўша жойда. 1917 йил 25 август.

жа марказ»ларида пахта толасини тайёрлашга кетган сарф-харажатлар ҳисоб-китоб қилиниб, оммага эълон қилинган. С. Миржалилов мақоласидаги фактларнинг қиммати шундаки, улар нафақат XX аср бошларидаги Туркистон деҳқонларининг аҳволи ҳақида балки, қишлоқ хўжалигида муҳим ўрин тутган «Биржа марказ»ларининг фаолияти хусусида ҳам маълумот беради. Бу эса капиталистик ишлаб чиқариш элементларининг қишлоқ хўжалигига ҳам кириб келганлигидан гувоҳлик беради.

Чўлпоннинг «Туркистонда зироат ва деҳқончилик» мақоласида ҳам мамлакатдаги инқирознинг илдизи лалмикор ерлардан унумли фойдаланмаганликда ва қишлоқ хўжалигига янги технологияларни вақтида жорий қилинмаётганлигида, деб ёзган¹⁰.

Сайид Аҳмад Сиддиқий эса ўз мақоласида туркистонликлар эътиборини деҳқонларнинг ночор аҳволига қаратиб, унинг сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилади. Муаллифнинг фикрича, деҳқонлар турмушининг оғирлашувига сабаб, улар етиштирган маҳсулотни арзимаган нархда сотилиши ва ўзларига керакли нарсаларни эса қиммат баҳода олишаётганлиги бўлган¹¹.

Бизнинг фикримизча, муаллиф ўзининг ушбу мақоласи орқали нафақат деҳқонлар, балки ўша даврда бутун Туркистон аҳолисининг ижтимоий ҳаётини ёмонлашувига сабаб бўлган омилларни кўрсатиб берган. Буни муаллифнинг озиқ-овқат маҳсулотларини етишмаслигига ва аҳолини қашшоқлашувига, асосий истеъмол маҳсулоти ҳисобланган ғалланинг деярли барчаси четга олиб кетилаётганлиги сабаб бўлаётганлиги ҳақидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди. Сайид Аҳмад Сиддиқий бу фикрлари орқали мамлакат ва инсонлар ҳаётида доимо зироатчилик муҳим ўрин тутиши ва уларнинг фаровонлиги деҳқончиликнинг ривож билан чамбарчас боғлиқ эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилиб, «Дунё илм ва зироат бирлан обод бўлур», дея таъкидлайди¹². Унинг фикрларидан хулоса қилиб, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муаллифнинг нуқтаи назарида мамлакат қишлоқ хўжалигини яхшиланиши олинган даромад билан боғлиқ бўлиб, деҳқон томонидан етиштирилган маҳсулотнинг сотилиш нархи, бозордаги бошқа товарлар нархи билан мутаносиб бўлиши керак. Мамлакатда етиштирилган маҳсулот авваламбор аҳоли эҳтиёжини қондириши, шундан сўнггина четга чиқарилиши лозим.

¹⁰ Чўлп о н . Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик // Садои Фарғона. 1914 йил 29 апрель.

¹¹ С а й и д А х м а д С и д д и қ и й . Деҳқончилик // Хуррият. 1917 йил 11 май.

¹² Ўша жойида.

Бундан ташқари ўлкада савдо-сотикнинг издан чиқиши ҳам деҳқончиликка жиддий путур етказган. Жумладан, айрим ҳудудларда пахта бозори ва савдоси ёпилиши натижасида минглаб тонна пахталар сотилмай қолган¹³. Бу эса деҳқоннинг йил давомида қилган меҳнати учун ҳақ йўқ, йиллик даромад ҳисобда ҳавога учди. Маблағсиз қолган деҳқон эса кейинги йилга ишлашга тайёр эмас эди.

Иккинчи гуруҳга кирувчи, яъни ўлка савдо-сотик ва ишлаб чиқариш муносабатларини ёритувчи «Саёҳат хотиралари», «Оҳ бонглари бизни барбод этди», «Эҳтиёжи миллат», «Хўқанд хабарлари», «Туркистонда тижорат ва зироат», «Туркистонда савдогарлик», «Туркистон бойлиги», «Ёврупа хунари бирлан бизларнинг хунаримизнинг фарқи», «Санойэ миллиямиз ёҳуд фаолияти иқтисодий» номли мақолаларда айнан савдо ва саноат, миллий хунармандчиликдаги ҳолат ва унинг аҳоли ҳаётига таъсири хусусида сўз юритилган.

Бехбудийнинг Туркия, Миср ва бир катор араб давлатларига қилган саккиз ойлик саёҳати маҳсули сифатида дунё юзини кўрган «Саёҳат хотиралари» асари ўша давлатлар ҳақида маълумотлар берибгина қолмасдан, унда ушбу мамлакатларнинг ривожиди ижобий ва салбий, илғор ва колоқ, таракқиётни олдинга ва орқага тортадиган йўналишлари таҳлил қилиниб, ҳулосалар чиқарилган. Ушбу таҳлил ва ҳулосалар нафақат ўша даврда Туркистон мусулмонларини ўзларини қанчалик ночор аҳволга тушиб қолганлигини англаб ҳулоса чиқаришлари учун, балки бугунги кунда ривожланиш йўлига кирган давлатлар учун ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Буни ҳатто, чет эл тадқиқотчилари ҳам эътироф этишган. Шу ўринда немис олимаси Ингеборг Балдауфнинг «Бехбудий хотира кундаликларидаги географик ва савдо-сотикка оид қайдномалар яқин келажакда мамлакатлараро савдо-сотикка ва сайёҳлик алоқаларининг вужудга келиб ўрнатилиши ниятида ёзиб кетилган»¹⁴, деган фикри ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, асардаги маълумотлар ҳатто, халқаро муносабатлар доираси учун ҳам қимматли эканлигини кўрсатади. Бизнинг фикримизча, Бехбудий ҳам ана шу мақсадда ўз сафар хотираларини доимий равишда «Ойна» журналида эълон қилиб борган. Бехбудий туркистонликларни дунёдаги ўзгаришлардан хабардор қилиш билан бирга улардан ўрнатилиб, ривожланиш йўлига қадам қўйишга даъват қилган. Бу борада профессор Ингеборг Балдауфнинг «Маҳмудхўжа Қуддуси шарифга саёҳати баҳонасида ўқувчиларга

¹³ Туркистон ва Фарғона хабарлари. Пахта бозори ёпилибди // Садои Фарғона. 1914 йил 16 апрель.

¹⁴ Балдауф И. Маҳмудхўжа Бехбудий Фаластинда // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993 йил 21 май.

кўнглининг тубида чўкиб ётган ғам-андухларини, Ўрта Осиёнинг дард ташвишларини баён этиш ҳамда ватандошларига уларнинг хатоларини кўрсатиб бериш учун бу асарни битган»¹⁵, дея билдирган фикрлари ҳам аини ҳақиқатдир. Чунончи «Саёҳат хотиралари» асари Ўрта Осиё буржуазия вакиллари ва сармоядорларига дунёни Париждан Японияга қадар акс эттирувчи ойна эди.

Бехбудий ўзининг «Эҳтиёжи миллат» номли мақоласида Туркистоннинг ташки экспорт операцияларини асосан чет эллик савдогарлар бажаришганлиги, маҳаллий аҳолидан маҳсулотни арзон гаровга олган ҳолда ташки бозорда қиммат нархга сотишганлиги, шу сабабдан ҳам етиштирилган маҳсулотдан олинадиган фойданинг асосий қисми уларнинг чўнтагига тушганлиги ҳақида куюниб ёзган. Натижада қанча кўп меҳнат қилмасин, ўлка халқининг аҳволи яхшиланмаган. Бундан ташқари Бехбудийнинг гувоҳлик беришича, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг сифати ҳам жуда паст бўлиб, бунинг асосий сабаби технологияларнинг эскирганлигидир. Муаллиф бу ҳақда ёзар экан, улардан қутулишнинг муҳим йўли ишлаб чиқариш, тижорат ва бошқа соҳалар бўйича замонавий билимларни эгаллаган маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга янги технологияларни қўллаш эканлигини қайд этади. Бунинг учун эса барча маҳаллий бойлар бирлашиб, зарур мутахассислар тайёрлаш учун кетадиган сарф-харажатлар учун маблағ ажратиши керак бўлган¹⁶.

Бехбудий сўзларига ҳамфикр ҳолда Садриддин Айний ҳам ўз мақоласида замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали саноатни янада ривожлантириш ва бунинг натижасида иқтисодий инқирозни бартараф қилиш мумкинлигини таъкидлаб, «агар ишларимизни шул усулда қўйсақ бир замон келурки, Туркистон бир бўстон ҳолига келур, зовудлар, фабрикалар, темир йўллар ва бошқа маданий корхоналар ила тўла бўладур», дея орзу қилган¹⁷.

Садриддин Айнийнинг фикрича, агар мавжуд ер ости бойликларини казиб чиқариб, уни қайта ишлаш йўлга қўйилса, биринчидан, ўлка саноати ривожланади ва хом ашёни четга чиқиб кетиш олди олинади, натижада олинадиган даромад миқдори ошади. Иккинчидан, эҳтиёж учун керакли бўлган барча маҳсулотларни шу ерни ўзида ишлаб чиқариш мумкин бўлиб, Туркистон бошқа мамлакатларга иқтисодий қарамликдан халос бўлади. Учунчидан, давлат хом ашё базаси эмас, балки, тайёр маҳсулот

¹⁵ Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. Тошкент: Маънавият. 2001, 30-бет.

¹⁶ Бехбудий. Эҳтиёжи миллат // Самарқанд. 1913 йил 12 июль.

¹⁷ Садриддин Айний. Туркистон бойлиги // Турк эли. 1917 йил 4 октябрь.

ишлаб чиқарувчи мамлакатга айланиб, ташки савдо ўсади. Бунинг натижасида туркистонликлар дунёдаги энг бой халққа айланади.

Жадид матбуотида савдогарлар, хунармандларнинг аҳволи ҳақида маълумотлар берувчи мақолалар доимий равишда чоп этиб борилган. Ана шундай мақолаларнинг бирида Туркистонда тижорат ишлари яхши кетмаётганлиги бу соҳа билан шуғулланувчи савдогар касодга учраётганлиги баён қилинган. Мақола муаллифи Нўширавон Ёвушов бу ҳолатни келтириб чиқараётган сабаблар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, «...муваффақиятсизликларимизнинг биринчи сабаби насядир»¹⁸, дея таъкидлайди.

С. Миржалиловнинг «Туркистонда савдогарлик» номли мақоласида ҳам Туркистонда савдогарларнинг инкирозга юз тутишига биринчидан, тижорат соҳасида тажрибасиз, кичик сармоёга эга шахслар ва олувчидан сотувчининг кўпайиб кетганлиги, иккинчидан, олинган товарни тезроқ кетказиш мақсадида унинг фойда зарарига қарамасдан сотишганлиги, учинчидан, банклар сабаб бўлганлиги қайд этилган. Муаллиф инкирознинг учинчи омили ҳисобланган банклар хусусида сўз юритиб, маҳаллий савдогарлар ва тадбиркорлар аввал қилинадиган иш режасини тузмасдан, олинадиган даромадни пухта ҳисоб-китоб қилмасдан (ҳозирги иқтисодий термин билан айтганда «бизнес режа») банклардан қарз олишганлиги учун улар тез орада қарздорлик домига тушишган. Кўп ҳолларда бу уларни бутун мол-мулкларидан маҳрум бўлишига олиб келган¹⁹.

Ниёзий Ражабзода ҳам ўзининг мақоласида хунармандларнинг ўз касбу корларига беътибор бўлиб қолганлиги, қадимдан аждодлар ва бутун халқни турмушини тебратган ушбу соҳа тараққий эттирилмаганлиги ва замонга мослаштирилмаганлиги сабабли буюк санъат илми кераксиз бўлиб қолаётганлигини ёзган²⁰.

«Садои Фарғона» газетасида эълон қилинган мақолада ҳам хунармандлар, жумладан, косибларнинг касодга учраш сабаблари хусусида сўз юритилган бўлиб, мақола муаллифи косиблар ўз хунарларини ривожлантирмаганлиги, замон талабидан келиб чиқиб маҳсулот ишлаб чиқармагани, ўз соҳаси бўйича янги билимларни эгаллашга ҳаракат қилмаганлиги оқибатида шу аҳволга тушганлигини қайд этади²¹.

Таваллонинг «Ёврупа хунари бирлан бизларнинг хунаримизнинг фарқи» деб номланган шеърисида XX аср бошларидаги Туркистон билан

¹⁸ Ёвушов Н. Туркистонда тижорат ва зироат // Садои Туркистон. 1914 йил 13 июнь.

¹⁹ Миржалилов С. Туркистонда савдогарлик // Садои Туркистон. 1914 йил 11 май.

²⁰ Ниёзий Ражабзода. Санойэ миллиямиз ёхуд фаолияти иқтисодий // Садои Фарғона. 1914 йил 26 сентябрь.

²¹ Тараққийпарварлар // Садои Фарғона. 1914 йил 2 ноябрь.

Европа саноати киёсий солиштирилиб, ўлка саноатида ҳанузгача эски технологиялардан фойдаланаётганликларини ўзининг шеърый сатрларида танкид қилган²².

Банклар фаолиятига оид учинчи гуруҳга кирувчи мақолалар қаторида С. Миржалиловнинг «Банклар ҳақида», Мухтор Бакрнинг «Туркистонда миллий банк очмоқ керак» шунингдек, муаллифи номаълум бўлган «Фарғонада банк очмоқ», Чўлпоннинг «Андижонда янги банк» каби мақолаларни санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

С. Миржалиловнинг Туркистондаги мавжуд банклар мақоласида ўлканинг иктисодий таянчи ҳисобланган ана шу муассасаларни давлат банки, акционерлик банки, жамият ва заёмли кредит банкларига ажратган²³. Ушбу мақола хусусиятига кўра киёсий-тахлилий ҳамда танкидий характерга эга бўлиб, муаллиф ўлкадаги мавжуд банк турлари ва унинг фаолиятини таҳлил қилган. Банклар фаолиятини киёсий таҳлил қилиш орқали уларда юзага келган муаммоларнинг асл сабабларини очиб берган ва унга сабабчи бўлаётган омилларни танкид қилган.

Унинг фикрига кўра давлат банкларига шу давлатга тегишли махсус пул маблағларидан бир қисми сармоя сифатида берилган. Бундан ташқари кўлида пули бўла туриб уни ўзи ишлата олмайдиган кишиларнинг ортиқча пуллари ҳамда хайрия жамиятларининг ортиқча пуллари бироз фойда йўлида саклаб бериш учун ушбу муассаса хазинасига қўйилиши мумкин. Тўпланган сармояни банк қисқа муддатга ишончли банкларга, савдо дўконларига, савдогарларга беришини, бу орқали бироз фойда олиб, фойданинг маълум фоизи сармоя эгаларининг қўйган маблағларига қўшилиб борилишини таъкидлаган.

Акционерлик банкларини эса кўлидаги ортиқча сармоясини ўзи ишлата олмайдиган, агарда ишлата билса ҳам кам фойдага қаноат қилмайдиган кишилар томонидан қимматбаҳо қоғоз воситаси билан сармоя йиғиб банк очиш мумкин бўлган муассаса эканлигини айтиб, бунда сотилган акцияларнинг кўплигига ва кўрилган фойдага қараб акция эгаларига фойда тақсим қилинган²⁴. Акционерлик банклари сармоянинг кўплигига қараб ҳар бир шаҳарда ўзининг бўлимларини очиши мумкин бўлган. Бироқ, бундай банклар Туркистонда кенг тарқалмаган ва улар тезда инкирозга учраган. Муаллифнинг фикрича, бунга банк системаси эмас, балки, унда фаолият олиб борган шахсларнинг кўпроқ ўз манфаатларини ўйлаганлиги, мижозларга хизмат кўрсатишни тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабаб бўлган.

²² Т а в а л л о . Равнак ул-ислом. Тошкент: Фан, 1993. 25-бет.

²³ М и р ж а л и л о в С. Банклар ҳақида // Садои Туркистон. 1914 йил 20 июнь.

²⁴ Ўша жойда.

Туркистондаги «жамият ва заёмли кредит» банклари асосан майда савдогарлар, хунармандлар ва деҳқонларга хизмат кўрсатиб, муаллифнинг таъкидлашича, бундай банклар ўз миллатини ва ўз шахридаги халқнинг машаққатини енгиллаштириш, савдо, хунармандчилик, саноат ва зироатни ривожлантиришни хоҳловчи шахслар томонидан очилган²⁵. Жамият ва заёмли кредит банклари ўзига аъзо бўлган кишиларнинг сармоясига бошқа банкларга нисбатан ортиқроқ миқдорда фоиз тўлаган. Қарз олган миждозларга эса устама фоизни камроқ миқдорда қўйган. Маҳаллий аҳолининг иқтисодий билимларининг етишмаслиги, ўз ҳуқуқларини яхши билмаганлиги сабабли бу банклардан ҳам тўғри фойдалана олмаганлигини муаллиф афсус билан баён қилган²⁶. Умуман олганда, юқоридаги маълумотлар XX аср бошларида Туркистондаги мавжуд иқтисодий вазият, айниқса, банклар ҳолати ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Туркистон тараққийпарварларидан бири Мухтор Бакр ўз мақоласида миллий бойликларнинг кўпайишига савдо ва тижоратнинг ривожланишига сабаб бўлувчи бош омиллардан бири миллий банк очиш масаласини кўтариб чиққан. Муаллифнинг ушбу мақоласи жадидларнинг иқтисодий қарашларини акс эттирувчи материал бўлибгина қолмай, Туркистон иқтисодиётининг муҳим бўғини ҳисобланган банк тизими ҳақида гувоҳлик берувчи қиёсий-таҳлилий характердаги тадқиқотдир. Чунки унда муаллиф туркистонликлар билан яҳудийларнинг банкдан фойдаланиш даражасини солиштириш орқали ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни кўрсатиб берган. Буни мақоладаги банклар орқали фаол яҳудий маклерлари гарчи, пуллари бўлмаса-да, ўн минглаб, юз минглаб фойда кўраётганликлари, маҳаллий савдогарлар фақат яҳудий ва рус банклари билан фаолият олиб бораётганлиги, бу ҳолат фойданинг катта қисми банк эгалари яҳудийларга, русларга маълум бир қисмигина маҳаллий савдогарларга тўғри келаётганлиги ҳақидаги сатрлар тасдиқлайди. Мухтор Бакр мусулмон савдогарлари яҳудий ва рус банкирларига маклерлик қилиб, миллий бойликнинг улар фойдасига оқиб киришига воситачи бўлаётганликларини, агар бу ишга ватан ва миллатнинг манфаати нуқтаи назаридан қаралса, улуғ жиноят ҳисобланишини таъкидлаб, энди бу хатоликларни қайта такрорламаслик зарурлигини айтади. «Бунинг учун дейди муаллиф-ҳеч вақт ўтказмасдан миллий сармоя билан миллий турк банки очиш зарурдир»²⁷. Чунки муаллифнинг фикрича, маҳаллий-хусу-

²⁵ Ўша жойда.

²⁶ Ўша жойда.

²⁷ Мухтор Бакр. Туркистонда миллий банк очмоқ керак // Улуғ Туркистон. 1918 йил 19 январь.

сий банклар ўлка иқтисодийликнинг эҳсосоти эмас, балки мухторият мақомини ҳам амалда сақлаб қолади, «Агар бизда миллий банк бўлмаса, мухторият ва бошқа миллий муассасаларимиз қарзни кимдан олажаклар? Чорночор яҳудий банкирларнинг тузоқина тушарга мажбур бўларлар. Шу тариқа миллий муассасаларимизнинг ажнабийлар таъсирига тушувлари бизни иқтисодий ҳам сиёсий жиҳатдан четларга аср этув устидан иззат нафсимизнида таҳқир бўладир», - дея огоҳлантириб, ана шундай ҳолатга тушган Туркия ҳукуматини мисол келтирган²⁸. Шунингдек, бу мақола ўлка савдо соҳаси инкирозининг илдири ва сабабларини очиқ берувчи муҳим ҳужжатдир.

«Садон Фарғона» газетасининг 1914 йил 14 сентябрь сонидан эълон қилинган «Фарғонада банк очмоқ» сарлавҳали мақола эса гарчи, ахборот характериға эға бўлса-да, жадидлар турли даъват, чакириклар билан чегараланиб қолмасдан юқорида кўтарилган муаммони ечиш учун амалий ҳаракатлар ҳам олиб борганликлари тўғрисида гувоҳлик беради. Ушбу мақолада жадидларнинг деҳқонларни қарздорликдан қутқариш, қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш мақсадида зироатчиларға кредит берувчи махсус банк очиш ташаббуси билан чиққанлигини кўриш мумкин. Улар деҳқонлар фаолиятини молиялаштирувчи бундай банклар очиш учун маҳаллий сармоядорларға бекор турган маблағларини ана шу муассасаға қўйишни таклиф қилади. Жадидларнинг фикрича, бу биринчидан, мулкдорларнинг бойлигининг миқдорини янада ошишиға ва сақланиб қолишиға қаролат бўлса, иккинчидан, агар банкдаги маблағлар фақат маҳаллий бойларнинг сармояларидан иборат бўлса, банкнинг эғаси ҳам миллатнинг ўзи бўлади. Учунчидан, деҳқонларға бериладиган кредитлар фоизи кам бўлганлиги учун улар ҳам доимий қарздорликдан қутулиб, ишларини тўғри йўлга қўйиб олишиға имкон беради. Газета муҳарририятининг: «Бул банкани очмоқни хоҳлагувчилар бўлсалар «Садон Фарғона» идорасиға мурожаат қилсалар, шундай банкларни очмоқға даркор бўладурган дастуруламал китобларни кўрсатурмиз. ...Агар Фарғона музофотини қайси шаҳрида жамияти хайрия очмоққа ихтиёр қилгувчилар бўлса, маслаҳатини қилуб, керакли жойдан жавоб сўраб бермоқ мумкиндир», деб ёзган сўзлари жадидлар деҳқонлар фаолиятини молиялаштиришға ихтисослашган бундай кредит банкларини ташкил қилишнинг назарий программасини ҳамда амалий режасини пухта ишлаб чиққанлигини аңлаш мумкин²⁹.

²⁸ Ўша жойда.

²⁹ Фарғонада банк очмоқ // Садон Фарғона. 1914 йил 14 сентябрь.

Абдулхамид Чўлпоннинг «Андижонда янги банк» номли мақоласи ҳам ахборот характерида бўлиб, унда 1914 йилда Андижонда сармоёси 26 минг сўмдан иборат бўлган «Кредит банки» очилаётганлиги ва унинг 180 нафар мижозининг 130 дан ортиғи мусулмонлар эканлиги ҳақида хабар берилган. Унинг маълум қилишича, банкни Эшонхон Махзум Одилхўжа ўғли, Мир Ҳайдарбой Миржалил ўғли, Саъдуллахўжа Турсунхўжа ўғли каби маҳаллий бойлар очишган³⁰. Демак, жадидларнинг матбуот орқали миллий банклар зарурлиги борасида юритган тарғиб-ташвиқотлари бесамар кетмаган.

Юқорида таҳлилга тортилган мақолаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, яна икки гуруҳга, яъни биринчиси ахборот тарзидаги, иккинчиси қиёсий-таҳлилий ва танқидий характерга эга бўлган мақолаларга ажратиш мумкин. Жумладан, Абдулсами қори Зиёбоевнинг «Тупроғимиз олтиндур», Абдурауф Музаффарзоданинг «Тупроқ надур», Сайидносир Миржалиловнинг «Пахта», «Туркистонда савдогарлик», Чўлпоннинг «Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик», Сайид Аҳмад Сиддиқийнинг «Деҳқончилик», Мухтор Бакрнинг «Туркистонда миллий банк очмоқ керак», «Талабгор борму?», Махмудхўжа Бехбудийнинг «Ох бонглар бизни барбод этди ва «Эҳтиёжи миллат», Садриддин Айнийнинг «Туркистон бойлиги» каби мақолалари кўпроқ қиёсий-таҳлилий характерга эга бўлиб, уларда муаммолар кўпроқ туркистонликлар билан бошқа миллат ҳаёти ва фаолиятини солиштириш орқали кўрсатиб берилди. Ўз ўрнида бу мақолалар танқидий характерга ҳам эга бўлиб, унда инқирозга сабаб бўлаётган хатти-харакатлар танқид остига олинган ва шу йўл билан муаммонинг келиб чиқиш сабаблари очиб берилган. Айрим ҳолларда эса унинг ечимлари ҳам кўрсатиб берилган.

«Туркистон ва Фарғона хабарлари», «Пахта бозори ёпилибди», «Хўқанд хабарлари», «Фарғонада банк очмоқ», Чўлпоннинг «Андижонда янги банк» сингари мақолалар гарчи, ахборот характерида бўлса-да, бироқ, улар ўлкадаги иқтисодий жараён тўғрисида маълумот берувчи муҳим ҳужжатдир.

Юқоридаги мақолаларнинг барчасида ҳам қўйилган масалага объектив ёндашилган, деб бўлмайди. Чунки уларнинг айримларида танқидий ёндашув кучли бўлиб, муаммонинг келиб чиқиш сабаблари, ўша даврдаги мавжуд тизим ҳамда вазият ҳисобга олинмаган.

Туркистон иқтисодий ҳаётининг турли соҳалари тўғрисида гувоҳлик берувчи ушбу мақолалар гарчи, мазмунига ва характерига кўра турли

³⁰ Абдулхамид Сулаймоний. Андижонда янги банк // Ойина. 1914 йил 18 январь.

гурухларга бўлинса-да, аммо, уларда ўзига хос умумийликни кўриш мумкин. Бу уларда кўзланган ягона мақсад, яъни ўлка иқтисодини яхшилаш ва шу орқали миллий мустақилликка эришиш ғоясидир.

Р. Турсунов

**Проблемы социально-экономической жизни
Туркестана в национальной периодической печати
в начале XX столетия**

В статье рассматриваются вопросы социально-экономической жизни Туркестана в начале XX столетия. Показана роль периодической печати в освещении проблем сельского хозяйства, торговли, предпринимательства, а также деятельности банков.

R. Tursunov

**The problems of the social-economical life
in the Turkestan national press
in the beginning of the 20 century**

In this article was analyzed articles about the activities of Jadids of Turkestan spreading that was very important spheres such as banking, enterprenewship, commerce, agriculture in the beginning of XX century according to the source point of view.

Ж. Ганиев

**ОБЗОР ЛИТЕРАТУРЫ О ВОЗРОЖДЕНИИ
ИСЛАМСКИХ ЦЕННОСТЕЙ В УЗБЕКИСТАНЕ
В ПЕРИОД НЕЗАВИСИМОСТИ**

Исследование широкого спектра вопросов, связанных с религией «ислам», приобретает на сегодняшнем этапе важное значение. Это обусловлено как возрождением духовно-исторических корней нашего народа, так и ходом общественно-политических процессов во всем мире. Как

отмечает Президент Узбекистана И. Каримов, «ислам – религия наших предков, его учение и воздействие служат наполнению нашей жизни, нашей духовности глубоким смыслом и содержанием...

...Тот, кто не помнит своего родства и происхождения, не может называться человеком. Многие десятилетия нас пытались отлучить от нашей истории, веры, религии, духовного наследия»¹.

С момента обретения Узбекистаном государственной независимости отечественными исследователями был рассмотрен ряд вопросов, связанных с историей ислама, его духовно-философскими основами, а также формами проявления на сегодняшнем этапе. Естественно, что весь этот пласт литературы нуждается в систематическом анализе и необходимости выявить основные тенденции в исследовании данной тематики.

Немаловажное значение в процессе возрождения духовных корней народов Узбекистана имеют различные мероприятия научно-практического характера, в частности, конференции и семинары, способствующие диалогу по данной тематике между учеными и общественностью. Этому процессу во многом способствует практическая работа, проводимая руководством Узбекистана. Например, открытие в Ташкенте Исламского университета, Всемирного Исламского исследовательского центра, Исламского фонда Имама ал-Бухари, женского медресе Абдулкасим и Кукалдош². По инициативе Комитета по делам религии при Кабинете Министров РУз в апреле 1994 г. был учреждён фонд «Вакф». Знаменательным событием для общественности страны стало проведение целого ряда юбилеев великих исламских просветителей. Данные торжества, как правило, сопровождались научными конференциями, на которых представлялись результаты научных изысканий, связанных с исследованием ислама в Узбекистане.

В качестве основных центров исследования данной проблемы в Узбекистане следует выделить, прежде всего, Институт востоковедения АН РУз и Институт истории АН РУз, а также Ташкентский исламский университет. В течение последних лет на их базе сформировалась целая плеяда исследователей, плодотворно работающих в различных направлениях данной темы. С точки зрения историографии вопроса важными являются работы Б. Бабаджанова, А. Муминова, М. Камилова, Э. Кари-

¹ Каримов И. Довести до конца начатое дело // Каримов И. Наша цель: свободная и процветающая Родина. Ташкент: Ўзбекистон, 1996. Т. 2. С. 297.

² Жўрасев Н. Маънавий покланиш ва миллий кадрятларнинг тикланиши // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари. 2-сон. Тошкент: Шарк, 2002. 133-бет.

мова, А. Рахмонова, Р. Шодиева, К. Олимова, Ш. Ишановой, С. Болтабоева, У. Мустафоева и др.³

В них рассмотрен широкий спектр вопросов, связанных с историей проникновения и распространения ислама на территории Средней Азии, формированием местных форм бытования ислама, а также значением ценностей ислама в современном обществе.

Характерная черта общественной жизни Узбекистана в средневековый период – институт вакфов. Как известно, широкое распространение имели случаи передачи частными лицами различного движимого и недвижимого имущества в пользу благотворительных и религиозных учреждений. Такие пожалования и именовались вакфами. В работе А. Рахмонова, посвященной исследованию данной традиции в жизни среднеазиатского общества, предпринимается также попытка интерполяции отдельных ее особенностей в современных условиях. В частности, в работе освещается история образования в Узбекистане фонда «Вакф», а также его деятельность на территории республики. Автор отмечает, что основные средства данного фонда идут на содержание и ремонт мечетей, медресе и других профессиональных учреждений, а также на восстановление мусульманских святынь, имеющих общемировое значение⁴.

С. Болтабоев, рассматривая историю вакфов в Средней Азии, к числу мусульманских святынь с общемировым значением относит медресе «Шердор», «Тиллакори», «Улугбек» в Самарканде; «Барокхон», «Бурихужа», «Шукурхужа» и «Кукалдош» в Ташкенте и мн. др.⁵

³ Каримов Э. Суфийские тарикаты Центральной Азии в XII-XV веках: Дис. ... докт. истор. наук. Ташкент: Институт истории, 1998. С. 37-43; Рахмонов А. Право вакуфной собственности по шариату и вопросы собственности по законодательству Республики Узбекистан: Дис. ... канд. госправа. Ташкент: Институт мировой экономики и дипломатии, 1997. С. 14-16; Шодиев Р. Суфизм в духовной жизни народов Средней Азии (IX-XIII вв.): Дис. ... докт. филос. наук. Ташкент: Институт философии и права, 1993; Олимов К. Хорасанский суфизм (опыт историко-философского анализа): Дис. ... докт. филос. наук. Ташкент: Институт философии и права, 1994; Ишанова Ш. Нормы шариата и применение их казийскими судами в Средней Азии до 1924 года: Дис. ... канд. госправа. Ташкент: Институт философии и права, 1998; Болтабоев С. Ўрта Осиёда вақф мулклари тарихи. Тарих фан. помз. дисс. Тошкент: Тарих институти, 1996; Мустафоев У. Особенности проявления ислама и свободомыслия в быту узбекского народа: Дис. канд. филос. наук. Ташкент: ТашГУ, 1993.

⁴ Рахмонов А. Право вакуфной собственности по шариату и вопросы собственности по законодательству Республики Узбекистан: Дис. ... канд. госправа. Ташкент: Институт мировой экономики и дипломатии, 1997. С. 14-16.

⁵ Болтабоев С. Диний ривожланиш тарихидан // Жамият тараққиёти ва ижтимоий фанлар. Наманган, 1996. 113-бет.

Ш. Ишанова в своем диссертационном исследовании характеризует деятельность казийских и бийских судов в начальный период установления советской власти с точки зрения основных правовых норм шариата и адата. Автор выявляет роль этих судов в повседневной жизни населения рассматриваемого периода и прослеживает процесс их замены советскими судебными учреждениями в Средней Азии в 20-х годах прошлого столетия⁶.

В рассматриваемый период, помимо диссертационных работ, было подготовлено и опубликовано значительное количество монографических исследований и научных статей в периодических изданиях.

В целом всю отечественную литературу, касающуюся вопросов ислама, по тематической направленности можно условно разделить на две группы. В первую следует отнести публикации, в которых освещены история ислама и суфизм, обряды, традиции, шариатские каноны, хадисы, а также жизнь и деятельность известных исламских богословов. Ко второй группе относятся работы о положении ислама в современном обществе, о важной роли нравственных принципов религии в воспитании молодого поколения, а также об истории распространения и сущности разных радикальных сект.

В числе трудов, входящих в первую группу, стоит отметить работы У. Уватова, Р. Зохидова и А. Дехконова, А. Муминова, А. Азимова, Б. Эшонова, И. Хужамурадова, М. Усмонова, М. Болтабоева, Б. Каримова, Н. Комилова, Х. Кароматова, А. Абдурахмонова, А. Абдужабборова, А. Мансурова, С. Мухиддина, Н. Мирзамахмудова, О. Усмонова⁷.

⁶ Ишанова Ш. Нормы шариата и применение их казийскими судами в Средней Азии до 1924 года. С. 115-123.

⁷ См: У в а т о в У. Махмуд аз-Замахшарий. Тошкент: А. Қодирий номдаги халк ме-риси нашриёти, 1995. 70-бет; И м о м а л - Б у х о р и й . Ал-Адаб ал-Муфрад. Тошкент: Ўзбекистон, 1990; З о х и д Р, Д е х к о н А. Мухтасар (Краткие заметки. Шариатские законы), Тошкент: Чўлпон, 1994; М ў м и н о в А. Имоми Аъзам Абу Ханифа // Мулокот. 1994. № 7-8. 37-40-бетлар; А з и м о в А. Ислом ва хозирги замон. Тошкент, 1992; Э ш о н о в Б. Имом ал-Бухорий овруполиклар нигоҳида (Имам ал-Бухари глазами европейцев) // Шарқ машъали. 1998. № 3-4. 39-бет; Х у ж а м у р а д о в И. Ислам, национальность, ценность, Ташкент: Фан, 1993; У с м о н о в М. Мухаммад пайгамбар ва Куръон. Тошкент: Нур, 1992, 80-бет; Б о л т а б о е в М. Хожа Абдухолик Гиждувоний великий и священный альтруист. Бухара, 1994; К а р и м о в Б. Авлиёлар ўғити. Тошкент: Меҳнат, 1994; К о м и л о в Н. Нажмиддин Кубро. Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 5-6-бетлар; К а р о м а т о в Х. Куръон ва ўзбек адабиёти. Тошкент: Фан, 1998. 95-98-бетлар; А б д у р а х м о н о в А. Ислом ахлоқи. Тошкент: Мовароуннахр, 1997; А б д у ж а б б о р о в А. Куръони карим ва хадиси шарифлар. Тошкент: Мовароуннахр, 2001; М а н с у р о в А. Сохиби хидоя Бурхониддин ал-Маргиноний // Ўзбекистон мусулмонлари. Тошкент, 1999. № 2-3. 27-29-бетлар; М у х и д д и н С. Учёный из Германии о самаркандском теологе // Общественное мнение: Права человека. 1999. № 3-4. С. 244-247; М и р з а м а х м у д о в Н. Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ // Шарқ машъали. 1998. № 3-4, 33-34-бетлар; У с м о н о в О. Заңги ота силсиласи // Мулокот. 1994. № 5-6.

В публикациях, входящих в эту группу, наряду с информацией о жизни и деятельности религиозных мыслителей, освещены их работы, назидания и духовное наследие. А. Мансуров в статье «Сохиби хидоя Бурхониддин ал Маргиноний» приводит интересные сведения о вопросах мусульманского права. В частности, на основе анализа отдельных фрагментов комментария к мусульманскому праву «Хидоя» автор выявляет значение данного труда в разрешении спорных моментов, касающихся вопросов наследства, собственности, раздела имущества и брака в мусульманском обществе⁸. В статье О. Кориева о роли нашего великого соотечественника ал-Маргиноний в развитии мусульманского права приведены интересные сведения о рукописных и литографических копиях труда «ал-Хидоя». В частности, автор сообщает, что самая ранняя копия книги относится к 1131 г. Важность труда ал-Хидоя, по мнению О. Кориева, определяется тем, что вплоть до 30-х годов XX в. данная работа являлась основным источником по мусульманскому делопроизводству в Средней Азии⁹.

У. Уватов в своём исследовании приводит отдельные факты биографического характера из жизни известного мусульманского теолога Махмуда аз-Замахшарий. На основе анализа отдельных фрагментов труда аз-Замахшарий «Ал-Кашшоф», перевод полного названия которого звучит как «Открытие сути истины в мифах через редактирование закрытой правды Корана», автор предпринимает попытку раскрыть основные принципы его религиозного учения. Наряду с данной книгой имеются также и другие труды великого теолога, требующие своего научного изучения. К примеру, работа аз-Замахшарий «Муқаддамат ул-адаб» в Институте востоковедения АН РУз до сих пор ждёт своего исследования¹⁰. На формирование местной формы бытования ислама в Средней Азии в средневековый период большое влияние оказала деятельность суфийских братств-тарикатов: йассавийа, ходжагон-накшбандийа и кубравийа. В этом отношении следует отметить статью О. Усмонова «Занги ота силсиласи», в которой рассматривается деятельность суфийского братства йассавийа. Восстанавливая духовную генеалогию (силсила) данного тариката, автор, в частности, отмечает, что «Занги ота был представителем суфийского тариката А. Яссавий. Его учителем был Сулаймон Бокирго-

⁸ Мансуров А. Сохиби хидоя Бурхониддин ал-Маргиноний // Ўзбекистон мусулмонлари. Тошкент, 1999. № 2-3. 27-29-бетлар.

⁹ Кориев О. Ислом хуқуқшунослиги ва Бурхониддин ал-Маргиноний // Ҳаёт ва конун. 1992. № 4. 58-бет.

¹⁰ Уватов У. Махмуд аз-Замахшарий. 18-бет.

ний (Хаким ота), который в свое время обучался у А. Яссавий»¹¹. Описанию ценного источника по раннему периоду деятельности тариката йассавийа посвящена работа А. Муминова¹². Автор особо подчеркивает значение данного братства в процессе взаимодействия национальной и общеисламской культур, а также в формировании регионального ислама на территории Средней Азии. Исследованию вопросов, связанных с формированием культа святых в Средней Азии и его роли в общественной жизни местного населения, посвящены работы Б. Бабаджанова¹³, А. Муминова¹⁴.

Во вторую группу можно включить исследования З. Хусниддинова, А. Аббасовой, Б. Бабаджанова, А. Абдухаликова, Б. Талапова, Ю. Абдуллаева, А. Азимова, А. Абдусамедова, И. Хасанова, Ф. Бакаевой, А. Саидова, С. Исхакова, И. Жабборова, С. Жабборова, С. Абдухоликова, Н. Жураева, А. Эркаева и др.¹⁵

В них, главным образом, исследованы вопросы ислама на современном этапе. Один из важнейших вопросов, стоящих перед молодым государством в первые дни независимости, – четкое разделение функций

¹¹ У с м о н о в О. Занги ота силсиласи // Мулокот. 1994. № 5-6.

¹² М у м и н о в А. О происхождении братства йассавийа // Ислам и проблемы межкультурных отношений. М., 1994. С. 219-231.

¹³ Б а б а д ж а н о в Б. Андижанское восстание 1898 года: «дервишский газават» или антиколониальное выступление? // Ўзбекистон тарихи. 2001. № 2. С. 25-67.

¹⁴ М у м и н о в А. Святые места в Центральной Азии (Взаимодействие общенсламских и местных элементов) // Маяк Востока. Ташкент, 1996. № 1-2.

¹⁵ Х у с н и д д и н о в З. Ислом ва мазхаблар. Тошкент: Маънавият. 2000. 18-19-бетлар; А б б а с о в а А. К вопросу о религиозном факторе в современном Узбекистане // Центральная Азия и Кавказ. 2001. № 1 (13). С. 144; Б а б а д ж а н о в Б. САДУМ: предыстория и последствия распада // Россия и мусульманский мир. М., 2001. № 5 (105); А б д у х а л и к о в А. Диний экстремизм: кеча ва бугун // Жамият ва бошқарув. 2001. № 2. 66-бет; Т а л а п о в Б. Диний юксалиш ва халқаро алоқалар // Жамият тараққиёти ва ижтимоий фанлар. Наманган, 1996. 105-бет; А б д у л л а е в Ю. Ваҳобийлик илдизлари. Фарғона, 1998. 4-10-бетлар; А з и м о в А. Ислом ва ҳозирги замон. Тошкент: Ўзбекистон, 1991. 112-бет; А б д у с а м е д о в А. Диншунослик асослари. Тошкент: Фан, 1995; Х а с а н о в И. Ислом дини асослари. Тошкент, 1991; Б а к а е в а Ф. Государство и религия к гражданскому согласию // Общественное мнение. Права человека. 1999. № 3. С. 23; С а н д о в А., И с х а к о в С. Узбекистан: светский путь развития // Россия и мусульманский мир. М., 2001. № 6. С. 94-94; Ж а б б о р о в И., Ж а б б о р о в С. Жаҳон динлари тарихи. Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 223-бет; А б д у х о л и к о в С. Виждон эркинлиги ва ҳуқуқ фалсафаси // Ҳаёт ва қонун. 1997. № 11. 41-47-бетлар; Ж ў р а е в Н. Маънавий покланиш ва миллий кадриятларнинг тикланиши // Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари. 2-сон. Тошкент: Шарк, 2002. 133-бет; Э р к а е в А. Истиқлол ва ислом. Қарши, 1993. 26-бет.

и полномочий между светскими и религиозными органами страны. Исследованию данной проблемы посвящена статья Ф. Бакаевой «Государство и религия к гражданскому согласию», в которой рассматриваются взаимоотношения религии и государства в Узбекистане. Как отмечает автор, «все требования верующих и религиозных учреждений решаются со стороны государства на основе законодательства Республики Узбекистан». В случаях нарушения прав верующих их обращения должны рассматриваться специалистами в рамках законодательства республики¹⁶.

Особый интерес представляют работы о проблеме возникновения и распространения угрозы исламского фундаментализма, а также позиции Узбекистана в отношении данной угрозы. Так, С. Комилова, затрагивая вопрос об исламском фундаментализме, отмечает его деструктивность и несовместимость со светским характером государства¹⁷.

В данном отношении следует отметить отдельные публикации Б. Бабаджанова, М. Комилова, О. Абдуллажонова, Б. Мусаева и В. Пономарёва и др.¹⁸ По поводу периода распространения вахабизма в Средней Азии О. Абдуллажанов отмечает, что идеи вахабизма в Среднюю Азию были занесены купцами и хаджами, посетившими Индию и Саудовскую Аравию в конце XIX века. Восстание Дукчи Ишана является явным подтверждением деятельности вахабитов на территории Средней Азии¹⁹. Б. Бабаджанов называет 60-70-е годы XIX в. годами появления вахабизма. Автор пишет: «Между тем, начало раскола приходится на середину 60-х годов и связано с именами некоторых учеников теолога Мухамаджана Хиндустани. Ещё в конце 70-х годов XIX в. М. Хиндустани заметил, что некоторые улама (в том числе и часть его бывших учеников) стали, на его взгляд, постепенно отходить от ханафитских догм²⁰.

¹⁶ Бакаева Ф. Государство и религия к гражданскому согласию // Общественное мнение: права человека. 1999. № 3. С. 23.

¹⁷ Комилова С. Диний эътикод, акидапарастлик, сиёсат. Тошкент, Ўзбекистон, 1999.

¹⁸ Бабаджанов Б., Камиллов М. Развитие религиозной ситуации в Ферганской долине: проблемы и перспективы изучения // Общественное мнение: права человека. Ташкент, 2000. № 1-2. С. 95-101; Абдуллажонов О. Диний акидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. Тошкент: Академия, 2000. 33-бет; Мусаев Б., Пономарев В. Ислам в современном Узбекистане. Созидание и проявление угроз // Россия и мусульманский мир. 2002. № 10 (124). С. 90.

¹⁹ Абдуллажонов О. Диний акидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. 2000.

²⁰ Бабаджанов Б., Камиллов М. Развитие религиозной ситуации в Ферганской долине: проблемы и перспективы изучения // Общественное мнение: права человека. 2000. 1-2. С. 95-101.

На наш взгляд, распространение религиозного фанатизма в конце XIX в. является бесспорным фактом, но вопрос о широком распространении именно идей вахабизма требует своего научного рассмотрения.

Исследователь Б. Талапов в статье «Диний юксалиш ва халқаро алоқалар», осветил историю международных отношений Духовного Управления мусульман Средней Азии и Казахстана в период советской власти. Статья даёт возможность кардинально по-новому увидеть проблему взаимоотношения ислама с государством в 70-80-х годах прошлого столетия. Практически, – пишет он, – «все международные отношения заранее согласовывались с правительством в Москве и должны были пропагандировать советскую политическую линию в мусульманских странах»²¹.

Ш. Журабоев в статье «Виждон эркинлиги: кечмиш сабоқлари» осветил процесс восстановления религиозных ценностей в современном Узбекистане после обретения независимости. Относительно данного процесса исследователь сообщает следующее: «В 1989 году существовали в Наманганской области 3 мечети, в Ферганской области – 4 мечети. В Кашкадарьинской, Сурхандарьинской, Сырдарьинской, Навоийской, Хорезмской областях количество мечетей не превышало 1-2. С обретением независимости начался процесс объективного изучения вопросов, связанных с религией. Принятый закон «О свободе совести и религиозных организаций в новой редакции» даёт каждому человеку широкие возможности исповедовать религию или не исповедовать вообще»²².

Следует также отметить статью А. Саидова и С. Исхакова «Узбекистан – светский путь развития», в которой освещена позиция государства в отношении ислама²³. В статье авторы освещают следующие характерные особенности ислама в Узбекистане:

- миролюбивое отношение ислама к представителям иных конфессий единобожия;
- роль нравственных принципов ислама в воспитании молодого поколения;
- важное место мусульманских обрядов и традиций в повседневной жизни местного населения²⁴.

Наряду с позитивными результатами в области исследования и

²¹ Т а л а п о в Б. Диний юксалиш ва халқаро алоқалар. Жамият тараққиёти ва ижтимоий фанлар. Наманган, 1996. 105-бет.

²² Ж ў р а б о е в Ш. Виждон эркинлиги: кечмиш сабоқлари // Фан ва турмуш. 2001. № 4. 34-бет.

²³ С а и д о в А. и И с х а к о в С. Узбекистан – светский путь развития // Россия и мусульманский мир. М., 2001. № 6 (108).

²⁴ Там же. С. 94-95.

возрождения исламского наследия в Узбекистане остаются не исследованными многие вопросы, в частности, научное исследование Корана и шариата, изучение истории разных малоизвестных сект и направлений, взаимодействие ислама с государственными институтами и его трансформация в условиях современности и др. Новые подходы в исследовании проблемы религиозного наследия дают возможность для объективного рассмотрения различных аспектов данной проблемы.

Ж. Фаниев

**Мустақиллик йилларида ислом қадриятларини
тикланиши хусусидаги адабиётларнинг таҳлили**

Мақолада мустақиллик йилларидаги ислом қадриятларининг тикланишига оид адабиётлар ёритилган. Асосан, ислом мутафаккирларининг диний меросини тикланиши, уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда ислом динининг жамият ҳаётида тутган ўрнига оид адабиётлар кўриб чиқилган.

J. Ganiev

**The review of literature of Islamic values revival
in period of independence in Uzbekistan**

The review of literature of Islamic values revival in Uzbekistan is given in the given article. Also, the aspects such as Islamic theologians' heritage, the interaction between religion and government in independent Uzbekistan are considered in it.

Таъзиянома

ФАРҲОД ҲАБИБОВИЧ ҚОСИМОВ

Ўзбекистонда тарих фани ва илмий жамоатчилик оғир жудоликка учради. Таникли тарихшунос олим, тарих фанлари доктори, Бухоро Давлат университети профессори Фарход Ҳабибович Қосимов 2006 йил 10 декабрда Бухоро шаҳрида 65 ёшида вафот этди.

Ф. Ҳ. Қосимов 1941 йил 10 октябрда Бухоро шаҳрида туғилган. У 1958 йилда ўрта мактабни тугатиб, 1958-1963 йилларда Бухоро Давлат педагогика институти (ҳозирги Файзулла Хўжаев номидаги Бухоро Давлат университети)нинг тарих-филология факультетида таълим олди. Институтни имтиёзли диплом билан тугатгач, бир йил давомида Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги ўрта мактабда ўқитувчилик қилди. Ф. Ҳ. Қосимов 1964-1967 йилларда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети аспирантурасида таҳсил олди. У 1968 йилда «Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихшунослиги» мавзусида номзодлик диссертациясини, 1980 йилда Ўрта Осиё халқларининг капитализмни четлаб, социализмга ўтиши тарихи ва тарихшунослиги муаммосига бағишланган докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 1982 йилда унга профессор илмий унвони берилди.

Ф. Ҳ. Қосимов 1967-1969 йилларда Самарқанд Давлат университети «Ўзбекистон халқлари тарихи» кафедрасида ўқитувчилик қилди. У 1969 йил сентябрдан то умрининг охиригача Бухоро Давлат университетида фаолият кўрсатди. Истеъдодли тарихчи олим Ф. Ҳ. Қосимов 1971-1976 йилларда «Умумий тарих» ва «Қардош халқлар тарихи» кафедраси мудири, 1983-1986 йилларда тарих факультети декани, 1986-1992 йилларда Бухоро Давлат педагогика институти ректори бўлиб ишлади. 1992 йилдан то умрининг охиригача «Тарихшунослик ва манбашунослик», «Жаҳон тарихи ва тарихшунослик» кафедраларини бошқарди. Бу даврда у Бухоро зиёлиларининг забардаст йўлбошчиси бўлиши билан биргаликда серқирра тарихчи олим ва мутахассис сифатида шаклланди.

Ф. Ҳ. Қосимов 1986-1992 йилларда Бухоро Давлат педагогика институти ректори лавозимида фаолият кўрсатган йиллар, бир томондан, собиқ СССР ва Ўзбекистон ҳаётидаги мураккаб ва жиддий ўзгаришлар арафаси, айни пайтда вилоятларда таълим тизими таназзулга учраган бир давр эди. Иккинчи томондан, Ўзбекистон мустақиллик йўлида машаққат билан илдамлаётган, халқ тафаккури ва онгида тарихий ҳақиқатни анг-

лаш ва тарихий хотирани тиклаш жараёни кечаётган зиддиятли йиллар бўлди. Бу мураккаб вазиятда Ф. Ҳ. Қосимовнинг илмий салоҳияти, ташкилотчилик қобилияти яққол намоён бўлиб, бу ҳолат энг аввало, республикадаги энг кекса ва нуфузли олий ўқув юртларидан бири бўлган мазкур институтда кадрларни ёшартириш йўлини тугганида, ёш тарихчилар ва малакали мутахассисларни тайёрлашда кўринди.

Ф. Ҳ. Қосимовнинг илмий изланишлари доирасида жаҳон тамадунининг ўчоқларидан бири Бухоро тарихини ёритиш алоҳида ажралиб туради. Серқирра ижод соҳиби Ф. Қосимов Темурийлар даврида Бухоро тарихи, Бухоро ва Хоразмни советлаштириш жараёнлари тарихшунослиги, Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихшунослиги, Бухорода Қизил армияга қарши кураш масалалари билан бир қаторда, Ўрта Осиё халқларининг XIX аср иккинчи ярми ва XX аср биринчи чорагидаги тарихи, Ўзбекистоннинг янги ва энг янги тарихи ҳамда тарихшунослиги масалалари, халқаро терроризм ва нарқобизнесга қарши кураш муаммоларини жиддий равишда тадқиқ этди. Хусусан, Бухоро шахрининг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан нашр этилган «Бухоро тарихи масалалари» (Бухоро, 1996) ва «Бухоро: тарих саҳифалари» (Бухоро, 1999) китоблари Ф. Ҳ. Қосимовнинг масъул муҳаррирлигида эълон қилинди. Олим ўндан ортик китоб ва 120 та илмий мақолалар муаллифи бўлиб, унинг айрим асарлари ўзбек ва рус тилларидан ташқари инглиз, немис ва испан тилларида нашр этилган.

Бутун илмий фаолияти, педагогик маҳоратини тарих фани раўнақига ва мутахассис кадрлар тайёрлашга қаратган Ф. Ҳ. Қосимов мустақиллик йилларида баракали ижод қилди. Сўнгги ўн йил ичида заҳматқаш ва фидойи олимнинг 7 та китоби нашр этилди. Унинг илмий раҳбарлигида олти та фан номзодлиги диссертациялари тайёрланиб ҳимоя қилинди. Олим Бухоро Давлат университети ва республика миқозининг бошқа олий ўқув юртларида Ўзбекистон тарихи фанининг долзарб муаммоларига бағишланган маърузалари орқали тарихий билимларни тарғиб қилди. Ф. Ҳ. Қосимов мустақиллик даврида Бухоро вилояти тарихчилар жамиятининг раиси бўлиб ишлади. ЎзР ФА Тарих институти қошидаги ихтисослашган кенгаш аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатди.

Ф. Қ. Қосимов Москва, Варшава, Париж, Тошкент, Бухоро, Самарканд шаҳарларида ўтказилган халқаро илмий анжуманларда маърузалари билан иштирок этиб, Ўзбекистон тарих фани ютуқларини жаҳонга танитишга муносиб ҳисса қўшди.

Бутун умрини илму фан ривожига ҳамда шогирдлар тайёрлашга бағишлаган тарихчи олим, талабчан ва меҳрибон устоз, камтарин инсон

Фарход Ҳабибович Қосимовнинг ёрқин хотираси дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдлари калбида абадий сакланиб қолади.

*БухДУ жамоаси, ЎзР ФА Тарих институти
«Ўзбекистон тарихи» журнали таҳририяти*

РОЗИЯ ГАЛИЕВНА МУКМИНОВА

Ўзбекистон илмий жамоатчилиги оғир жудоликка учради. Таникли тарихчи олима Розия Галиевна Мукминова 2007 йил 12 январда ҳаётдан кўз юмди. Барча инсонларга ўзининг иродаси ва илмий салоҳияти билан ўрнак бўлган кадрли инсон бизни тарқ этди. Олима сермазмун, сермахсул ва муносиб ҳаёт кечирди.

Розия Галиевна 1922 йилнинг 31 декабрида таваллуд топган. У 1939-1944 йилларда Ўрта Осиё Давлат университетининг тарих факультетида таҳсил олиб, ўқишни имтиёзли диплом билан тамомлади. Шу йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг янги ташкил этилган илмий муассасаларидан бири Тарих институтининг дастлабки аспирантларидан бўлди. Аспирантлик йилларида оёққа тураётган тарих фани эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ёш тадқиқотчини институт шу даврда шарқшунослик марказларидан бири бўлган Ленинградга (Санкт-Петербург) юборди. Олиманинг табиатига хос меҳнатсеварлик, ўзига ва атрофидагиларга талабчанлиги, ўз даврининг йирик олимлари И. П. Петрушевский, Н. Д. Миклухо-Маклай, А. Ю. Якубовский, П. П. Иванов, Я. Ф. Ғуломов, С. П. Толстов кабилар билан ишлаш жараёнида орттирган тажрибаси уни тарих деб аталган кўхна фаннинг сўқмоқли йўлларида олдинга ундади.

Р. Г. Мукминова 1949 йилда СССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида (Ленинград) «Мовароуннаҳр учун Темурийлар ва Шайбонийлар ўртасидаги кураш» мавзусида номзодлик, 1972 йилда эса «Самарқанд ва Бухоронинг XVI аср хунармандчилиги» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. У умрини тарихнинг жуда мураккаб, қарама-қаршилиқларга бой ўрта асрлар тарихини ўрганишга бағишлади. Ўтмиш халқлар ўйлари, умидлари, турмуш тарзи, бажарган амаллари акс этган қўлёзма асарлардан мисқоллаб йиғилган маълумотлар асосида Ўзбекистоннинг ўрта асрлар тарихи, унда кечган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт масалаларига ойдинлик киритувчи тадқиқотлар яратди.

Олиманинг тинимсиз меҳнати самараси сифатида «XVI аср Ўзбекистон аграр муносабатлар тарихидан (Вақфнома материаллари асосида)» номли монографияси (1966), Ўзбекистон шаҳарлари тарихига бағишланган «Самарқанд тарихи» (1969), «Бухоро тарихи» (1976), «Тошкент тарихи» (1988), «XVI аср Самарқанд ва Бухоронинг хунармандчилиги тарихидан лавҳалар» (1976), «Тўрт аср олдинги Тошкент» (1984), «XV-XVI аср Ўзбекистон шаҳарлари аҳолисининг дифференциацияси» (1985) асарлари босмадан чиқди.

Мустақиллик йилларида олима мазкур жараёнда фаол иштирок этиб, ҳаққоний тарихни тиклаш, Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқлар тарихининг ўрганилмаган саҳифаларини тадқиқ этиш, уларни янги маълумотлар билан тўлдириш ва замонавий ёндашувлар асосида талқин этишга ўз ҳиссасини қўшди. Шунингдек, олима Ўзбекистон тарихи бўйича кўп жилдлик фундаментал тадқиқотларни тайёрлаш ишига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Унинг раҳбарлиги остида «Ўзбекистон тарихи»нинг III жилди чоп этилди (1993).

Р. Г. Мукминова ҳаммуаллифлигида тарихимизнинг энг долзарб муаммоларига бағишланган «Темур ва Улуғбек тарихи» (1996), «Амир Темур» (2000), «Амир Темур жаҳон тарихида» (1996 йил ўзбек, рус ва инглиз тилларида ҳам), «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари» (2002 йил ўзбек ва рус тилларида) каби фундаментал тадқиқотлар яратилди. 2002 йилда олиманинг М. И. Филанович билан биргаликдаги «Ташкент на перекрестке истории (Очерки древней и средневековой истории города)» рисоласи нашр этилди. Ушбу асарларда олима томонидан ёзилган қисмларда ўрта аср жамияти ҳаётида Ўзбекистон шаҳарларининг роли, улардаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг турли жиҳатлари ўзининг илмий талқинини топди.

Р. Г. Мукминова ҳозирги кунга қадар 300 га яқин илмий ишларнинг муаллифи сифатида тарих фани ривожига катта ҳисса қўшди.

Р. Г. Мукминова нафақат республика, балки хорижда ҳам ўз маслакдошларига, тарих фани соҳасида катта халқаро обрўга эга бўлган олима ҳам эди. ЮНЕСКО томонидан чоп этилган «Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» кўп жилдлик асарнинг асосий муаллифларидан бири эди. У бир қатор нуфузли халқаро илмий анжуманларнинг доимий иштирокчиси сифатида ўзининг сўнгги ўрта асрлар тарихи бўйича илмий изланишлари натижаларини хорижлик тадқиқотчилар эътиборига тақдим этган. Улар жумласига Канада (Торонто, 1989), Германия (Бамберг, 1991), Франция (Страсбург, 1987), Туркия (Анкара, 1997), АҚШ (Лос-Анжелес-Калифорния, 1998), Медисон-Висконсин, (1998), Австрия (Вена, 2000), Эрон (Техрон, 2001)да ўтказилган халқаро конференцияларни киритиш мум-

кин. Олиманинг маърузаларидан нафақат Ўзбекистон илмий жамоатчилиги, балки Париж (Франция), Висконсин (АҚШ), Токио, Киото (Япония) университетлари ўқитувчи ва талабалари ҳам баҳраманд бўлганлар. Олима кўп йиллар давомида олий таълим тизими билан алоқани узмади. Тошкент Давлат педагогика университети ва Тошкент Давлат шарқшунослик институти талаба ва магистрантларига ўрта асрлар тарихининг кўплаб долзарб муаммолари бўйича махсус курслар ўқиди. Умрининг сўнгги кунларигача Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети билан узвий ҳамкорликда ишлаб, ёш тарихчи-тадқиқотчиларининг ўз илмий йўналишларини топишига катта ҳисса қўшди. Розия Галиевна ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва улар онгида тарихий тафаккурни шакллантириш йўлида ҳам тинмай меҳнат қилди. Олима раҳбарлиги остида 1993 йилда тайёрланиб, ўзбек, рус, қозоқ, туркман ва тожик тилларида чоп этилган ўрта мактабларнинг 7-синф учун мўлжалланган «Ўзбекистон тарихи» дарслиги ана шу меҳнатнинг маҳсулидир.

Р. Г. Мукминова республикада юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишига ҳам муҳим ҳисса қўшди. Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти ва Шарқшунослик институтлари қошидаги докторлик диссертациялари ҳимоясига ихтисослашган кенгашларнинг аъзоси сифатида улар ишида фаол иштирок этди.

Розия Галиевна ҳаёти давомида ўз илмий мактабини ярата олган устоз олимадир. Бугунги кунда нафақат республикамизнинг, балки хорижда тарих фани соҳасида ўзига хос салоҳиятга эга бўлган Қозоғистон Шарқшунослик институти директори, профессор М. А. Абусейтова, америкалик таниқли шарқшунос, профессор Р. Макчезни, англиялик О. Бертон каби етакчи олимлар унинг илмий мактабини ўтаган. Бундан ташқари дунёнинг кўплаб шарқшунос ва тарихчи олимлари Розия опани ўзларининг маънавий устози сифатида қадрлашади. Олиманинг фан олдидаги буюк хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, 2001 йил 24 августида «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланди. Жаҳон илмий жамоатчилиги эътирофи ва ҳурматига сазовор бўлган Розия Галиевна Туркия Республикасининг нуфузли «Лаёқат» ордени билан ҳам мукофотланган.

Бутун умрини илму фанга бағишлаган олима, талабчан ва меҳрибон устоз, камтарин инсон Р. Г. Мукминованинг ёрқин хотираси дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдлари қалбида умрбод сақланиб қолади.

ЎзР ФА ҳайъати
ЎзР ФА Тарих институти жамоаси
«Ўзбекистон тарихи» журнали таҳририяти

Муаллифлар ҳақида маълумот

Ў. Мавлонов – ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ходими, т. ф. н.

И. Алимов – Андижон Давлат университети профессори, т. ф. д.

Д. Алимова – ЎзР ФА Тарих институти директори, т. ф. д., профессор.

Р. Шамсутдинов – Андижон Давлат университети профессори, т. ф. д.

Р. Альмеев – Бухоро Давлат архитектура-бадий музей кўрикхонаси директори, т. ф. н.

З. Орифхонова – ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, т. ф. д.

Г. Зунунова – ЎзР ФА Тарих институти бўлим бошлиғи, т. ф. н.

Б. Ҳамроқулова – ЎзР ФА Тарих институти докторанти.

Н. Аллаева – ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими.

Р. Турсунов – Тошкент банк молия коллежи ўқитувчиси.

Ж. Ғаниев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ўқитувчиси.



Индекс 1027